

12.
18-19

ХОТИРА

ТУРСУНБОЙ
НУЪМОНБОЙ ЎҒЛИ

**БАРҲАЁТ
УСТОЗЛАР**



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети

Турсунбой Нуъмонбой ўғли

Барҳаёт устозлар

(Хотиралар)

«Наманган» нашриёти

Устозни отадан улуз деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.


И.А. Каримов

Мазкур хотира китобимни Наманган Давлат университетининг 60 йиллигига бағишлайман.

Ушбу олий даргоҳда узоқ йиллар ишлаб, абадиятга юз тутган устоз ва ҳамкасбларимнинг қабрлари нурга тўлсин, жойлари жаннатга айлансин, уларни Оллоҳ ўзининг раҳматига олган бўлсин!

Муаллиф

Масъул муҳаррир: Маҳмуджон Маъмуров, филология фанлари номзоди, доцент.



НГ $\frac{220-394,95-389-820}{221-6,25-(04)-02}$ 2002й

© Т. Нўъмонбой ўғли,
«Наманган» нашриёти

Қимматли ёднома

Кунлар ўтади, ойлар ўтади. Инсон аста-секин бу фоний дунёдан боқий дунёга юз тутади. Уларнинг қилган ишлари, шуҳрати, номлари, сўзлари киши ёдида қолади. Хотира ҳам инсон билан бирга кетади. Агар хотиралар ёзиб қолдирилса-чи, у абадий қолади, кишилар онгида яна «тирилади».

Ана шу эзгу мақсад йўлида Наманган Давлат университетининг нуроний устоз педагогларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари номзоди, доцент Турсунбой ака Нуъмонов хайрли ишга қўл урди. Яқинда «Барҳаёт устозлар» номли мемуар характеридаги хотира китобини битди.

Унда олий ўқув юртида узоқ йиллар ишлаб, бу ёруф оламдан ўтган устоз педагоглар ҳақида ҳикоя қилинади. Улар орасида республика ва вилоят илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, элу-юрт ўртасида обрў қозонган ҳамкасблар ва шогирдлар қалбида ёрқин из қолдирган профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари, деканлар, ректорлар бор. Муаллиф улар билан бирга ишлаган, таълим-тарбия ва жамоат ишларини бажаришда ҳамкорлик қилган, суҳбат қурган, оилавий борди-келди ташкил қилган, оғир ва еңил кунларда, қувноқ ва қайғули дамларда бирга бўлган. Муболағасиз айтиш мумкинки, муаллиф ўтган устозлар ҳақида мукамал билимга эга бўлган барҳаёт қомусий олимдир. Биографик ёдномаларда марҳум олимларнинг босиб ўтган шонли йўллари, таҳсил олган илм-фан ўчоқлари, ҳаётда амалга оширган юмушлари, илмий-тадқиқотлари, фанга қўшган янгиликлари, мутахассислар етиштиришдаги жонбозликлари, оилавий аҳволлари содда, лўнда ва қизиқарли тарзда баён этилади. Ҳар бир педагог ҳақидаги маълумотлар киши қалбида ҳайратланарли ҳислар уйғотади.

Мен бу китобнинг қандай қилиб вужудга келганидан хабардорман. Домла узоқ вақт меҳнат қилди. Бебаҳо вақтини сарфлади, елиб-югурди, излади, материал топганда қувонди, топилмаган чоғлар куюнди. Муаллимларнинг барини ёддан

билса ҳам, яна уларнинг оила аъзолари, фарзанлари, шогирдлари, ҳамкасблари билан суҳбат курди. Битта рақамни аниқлаш учун ҳафталаб овора бўлди. Архив материалларни қидирди. Ўнлаб кишилардан илтимос қилиб, «саргайди». Афсуски, баъзи кимсалар бу муҳим савобли ишга лоқайд қаради.

Китобнинг вужудга келишига НамДУ ректорати, шахсан НамДУ ректори, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Турсунбой Файзуллаевнинг бегараз ёрдами кор келди. Бу қудрат муаллиф юрагига далда бериб турди.

Турсунбой Нуъмонов - қалами ўткир, сўзи ўткир олим. Бу китоб унинг «Ўтганларим ва барҳаётларим» мемуар асарининг мантиқий давомидир.

Турсунбой Нуъмонов — олижаноб, иймон-эътиқодли ва инсофи юксак инсон. Узоқ йиллик тажрибага эга. Одамларга фақат яхшилиқни кўзлайди. Қаерда нохуш воқеа-ҳодиса кўрса, бефарқлик билан ўтиб кетолмайди, аралашади, ёнади, адолатнинг қарор топишига эришади, қорани инкор этади, оқни улуглайди. Кишилар қалбига ва онгига эзгулик уруғини сепаиб, ўсиб чиқмагунча тинчимайди.

У ўзининг бутун умрини, онгли фаолиятини инсон тарбиясига, ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлади.

Мен домлага узоқ умр тилайман. Элу юрт, дўстлар, ҳамкасблар, фарзандлар бахтига омон бўлсинлар.

Ҳадиси шарифда айтилганидек, олимлар қалами шаҳид қонидек муқаддас бўлади. Домланинг эзгулик дурдоналарини тўқувчи қаламларига, Абдурахмон Жомий иборалари билан айтганда, осмондан олқишлар ёғилсин.

Маҳмуджон МАЪМУРОВ,
НамДУ доценти.

*Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилар гўёки пайгамбарга таъзим.*

Алишер Навоий

Ўлмас сиймоларни қўмсаб...

(Муқаддима)

БИСМИЛЛАҲИР роҳманир роҳим.

Меҳр олам уйининг синчи бўлиб, у юракнинг энг чуқур ерида яшайди, кўз қорачиғида ёлқинланади, сўзда, наинки сўзда, бутун фаолиятда, ҳар бир хатти-ҳаракатда ифодаланади.

Меҳр эзгуликларнинг аввалидир. Бу пок тошқинли туйғу жумлаи жаҳонни бирлаштиради. Мухими, тинчлик, Истиқлол барқарор, меҳр эса пойидордир.

МУҲТАРАМ ва муҳтарама ҳамкасбларимиз, азиз дўст-биродарларим, ушбу муқаддас олий ўқув юртида ишлай бошлаганимдан буён бир неча мўътабар аҳли илмлар фоний саройдан боқий дунёга рихлат қилишди. Ҳа, ўлим ҳеч кимни аяб ўтирмас экан. Бас шундай экан, ўтганларнинг қабрлари доимо мунаввар бўлсин. Буюк аллома Шарофуддин Али Яздий таъбирлари билан айтганда, уларнинг руҳи жаннат ичра нурга чўмсин, ҳақ васлига етиб масрур бўлсин...

Инсондан хотира қолади деганларидай, улар билан ўтказган самимий суҳбатларим, баҳс ва мунозараларим тез-тез ёдимга тушиб туради. Қалбим эса уларнинг яна бир бор қўришни дилдан дардлашишни, кўнгилга оро берадиган суҳбатлар ўтказишни қўмсайди. Аммо...кўнгил кўнгил экан-да, лекин шунга қарамай, улар сиймосини яна бир бор эслаш, ёдга олишни мўминлик бурчимнинг бир қирраси эканлигини ҳис этдим. Шу боисдан, гарчи бир кичик хотира рисоласи бўлса-да, қалбим буюрганига жазм қилдим. Бунинг учун сизлардан узр сўрайман.

Ҳа, муътабар ҳамкасблар ва дўстлар, айрилиқдан оғир азобнинг ўзи бўлмаса керак, аммо одам боласи буни фақат йўқотгандан кейингина ҳис этади.

Муқаддас китобларимизнинг бирида шундай ривоят келтирилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) кўчада кетаётсалар йўлларидан ҳаддан зиёд бадбашара, сўхтаси совуқ ит чиқиб қолибди. Пайғамбаримиз итни кўрибдилар-у, хаёлларидан «Бунча совуқ ва хунук бўлмаса, бу махлуқ» деган фикр ўтибди. Шу пайтда итга тил кирибди-да: «Эй, Пайғамбар, сен нақшни ёқтирмайсанми ёки наққошни? Агар нақшни десанг ҳам, наққошни десанг ҳам барча сўзинг Оллоҳга тегишли», - дебди. Дарҳақиқат, наққош ҳам, нақш ҳам Оллоҳнинг ўзидир. Бу эса инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Минг афсуски, буни биз кўп вақт тириклигимизда тўла ҳис этишдан, бир оз бўлса-да, йироқлашиб қоламиз.

Оллоҳ берган буюк неъматлардан бири инсон бўлиб туғилиш ҳамда инсонийлик фазилатларига эга бўлиб яшамокликдир. Қимматбаҳо манба ҳисобланган «Авесто»да инсонда уч руки мавжудлиги тилга олинади. Улар эса эзгу сўз, эзгу тилак ва эзгу амалдир. Демак, инсон борки, у бир умр боғ-роғ яратиш, зурриёт қолдириш, яхшилик уруғини сочиш, биланларига амал қилиш, қолаверса, битиклар ёзишни орзу қилиб ўтади. Буни эса кўҳна дунёда «Ҳикмат» дея аташади. Менинг назаримда, ҳикмат – бу чинор, бу боғ, бу ахлоқ, бу одоб, бу адолат, бу ростгўйлик, бу эзгулик, бу яхшилик ва ҳоказолардир.

Масалан, одоб улуглик ва юксаклик қасрининг қарвони, бу қарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Одоб ва одобсизлик мавзуида қалам тебратган Шарқ алломаларидан бири мавлоно Хожа Самандар Термизий шундай деган эканлар:

*Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.
Яхши йўлга солай дебон уринма,
Ўсиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас.*

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзларининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида эса: “Яхшиликларни топмоқ, едирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн-саховат; бемаҳал ҳады қилинган зарбафт чопон ярамасликдир”, деб бежиз айтмаганлар. Улуғларимизнинг таъбирича, яхши хулқли одам дунёни тарк этса-да, у тирик ҳисобланади. Ёмон ахлоқли одам тирик бўлса-да, барибир ўлик қаторидадир.

*Жаҳондан қидириб, кимдан сўрмадим,
Яхши хулқдан яхши нарса кўрмадим.*

Абдулбаракот Қодирий

*Улғаярсан, санда бор бўлса адаб,
Улғаярсан, санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташқи сурата берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.*

Анбар Отин

Яхши одамларнинг инсоний фазилатлари борасида кўп-лаб мисоллар келтириш мумкин. Кўп йиллик ҳаётий кузатишларимга кўра, шундай хулосаларга ҳам келиб қолганман. Хўш, тириклик нима ўзи? Яшашдан мақсад-чи? Баъзилар “Овқат ейиш учун яшайпман” десалар, баъзи бировлар эса “Яшаш учун овқатланаман”, деб жавоб беришади. Ажабо, қайси бири тўғри ёки маъқул? Фикри ожизимча, иккинчиси, яъни яшаш учун овқатланиш маъбулдир.

Ҳа, ҳар бир одам яшаш жараёнида юксалиш учун интилади. Лекин шунга қарамай, ҳаёт кимгадир кулиб боқади, кимнингдир ўтга солиб, ўтдан олади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаёт кимгадир боғ бўлса, кимгадир жаҳаннамдир. Бу эса инкор этиб бўлмайдиган ҳаёт сабогидир.

Ҳаётни бу қадар мураккаб жараён эканлигини улғайган сарингиз тўла ҳис этар экансиз. Шу боисдан, гоҳо “Қайда қолдинг, эй болалик чоғ” дегинг келади. Ҳаёт йўли узоқ карвон йўлидир. Карвон ўтади, ит ҳуради, аммо ҳаёт бетиним давом этаверади. Ажаб дунё?!

Яна бир гап. Ҳазрати инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ унинг биринчи ватанидир. Ватан деган муқаддас ту-

шунча шундан бошланади. У инсонни вояга етказди, улуглайди ва ниҳоят ўз бағрига олади. Демак, ватан - бу бешиқдир. Ватан - бу муқаддас тупроқдир. Ватан - бу боболаримиз, момоларимиз ётган муборак заминдир. Ватан - бу бизнинг келажакда борадиган абадий маконимиздир.

*Ватан надир, туққон ерим, тургон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-қулиб юргон ерим.
Ватан менга ҳақиқатда қўндоқ каби,
Тарбиянинг негизини қургон ерим.*

Сидқий Хондайлиқий

Дилим ва кўнглим қўмсаган, бугунги кунда иккинчи умрларини ўтказаятган, маърифат йўлида жон фидо айлаган шоғирдлари қалбида абадий сақланиб қолаётган, эзгу ниятларига етган ёки ета олмаган, дил ва қалблари пок инсонларни элга танитган ҳам ушбу муқаддас Ватан тупроғидир.

Масалан, кенг қамровли билим эгаси, филология фанлари доктори, профессор Фаттоҳ ака Абдуллаевни, доимо ҳақиқат йўлида жон фидо этган, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Турсунной опа Ҳамидовани, ҳаё ва андишага бой, доцент Олияхон опа Ғаффоровани, бир сўзлик, қатъият эгаси, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тожибой ака Ғозибоевни, ўта ҳалол ва покиза, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Азимжон Асқаровни, содда ва самимий, дўстлар кўнглини овловчи, камтарин, доцент Файзуллахон Ғайбуллаевни, оташ қалб, доцент Ҳамидулла Ҳусановни, ажойиб муаллим ва шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Нуриддин Бобоҳўжаевни, кенг қамровли билим соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Одилжон Носировни, беғараз қалб эгаси, катта ўқитувчи Ғайбулла ака Мусабоевни, дўстларга доимо яхшилик бахш этишга интилувчи, доцент Мирхон Ҳайдаровни ким эсламайди дейсиз? Минг афсуски, уларга бахтли кексаликнинг гаштини суриш насиб этмади. Наилуж, Оллоҳнинг ҳукми экан бу...

Ҳа, дўстлар, бўш вақтларимда гоҳо ҳовлимиздан ўтган кичкинагина ариқ бўйида ўтирар эканман, кўнглимдан “Ариқдан сув келяпти” ёки “Ариқдан сув оқиб кетяпти” деган ўйлар ўтади-да, инсон умрини ҳам шунга ўхшатгим келади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган ва ундан фалсафий хулосалар чиқара олиш имкониятига эга бўлган донишманд шоир Умар Хайём ҳам инсон ҳаёти якунига қуйидагича баҳо беради.

*Кекса, ёш ҳаётга ҳар кимки етар,
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.*

Шарқ аълومаси Юсуф Хос Ҳожиб таъбирлари билан айтганда, туғилганлар ўлади, ном-нишонсиз ва изсиз бўлиб кетади, аммо сўзингни эзгу сўзласанг, ўлсанг ҳам сўзинг билан мангу қоласан.

Мен ушбу хотира рисоласини виждоним амри ила ёлгон ва лофдан бутунлай йироқда туриб ёзишга интилдим. Чунки ёлгон ва лофнинг умри қисқа бўлиб, натижаси эса хижолатлидир. Бобомиз, улуг саркарда Амир Темур айтганларидай “Куч адолатдадир”. Тўғри, ҳаёт уммони курашида гоҳо қовурғалар синиши, маънавий эзилишлар ҳам бўлиб туради. Аммо адолат эртами-кеч ғалаба қилиши ҳаёт қонунидир. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларни бугун хотирага олаётган марҳумлар ҳаётида ҳам, тириклар ҳаётида ҳам учраганлиги ҳамда учраши мумкинлиги ҳақиқатдан йироқ эмас.

Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларини келтириш жоизга ўхшайди:

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон,
Шу ширин ёлгонга лекин алданиб қолгон ёмон.*

Яна бир луқма. Муқаддас китобларимизнинг бирида инсон жисми тупроқ, сув, олов, ҳаво каби тўрт узвдан иборат эканлиги қайд этилади. Китобда айтилишича, агар улар мувозанати тенг бўлса, комил инсон, яхши инсон, эзгуликка талпи-

нувчи инсон, маънавий бой инсон бўлиши мумкин. Орамиздан ўтиб кетган ҳамкасбларимиз ҳам қайд этилган фазилат эгалари эдилар.

Чиндан-да, улар зиё тарқатувчилар бўлиб, билим гулзоридан бетиним гуллар теришга интилган, ўз соҳаларининг устаси эдилар. Ҳа, улардан минглаб шогирдлар баҳраманд бўлганлар. Шу сабабли ҳам бугун устоз муаллим ва муаллималарнинг номлари уларни билганларнинг, шогирдларнинг тили ҳамда дилида ҳурмат ва эҳтиром билан зикр қилинмоқда. Шоирлар тили билан айтганда, қалб сўзи гулдастаси боғланади шаънингизга, эй мураббийлар, Ҳар гунчада устозга меҳр рамзи жилодир, сўнмайди умрбод...

Менимча, интилганга толе ёр деганларидай, ўқитувчи бўлиш осонга ўхшайди, аммо устоз бўлиш мураккаб жараён-дир. Чунки устоз ҳам илм эгаси, ҳам ўз билимига амал қилувчи комил инсон бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, диний илм ҳам, дунёвий илм ҳам ҳаммага насиб этавермайди. Бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ўз вақтида шундай деган эканлар: “Кимгаки Оллоҳ таоло яхшилиқни раво кўргайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилгайдир, илмга илм олмоқ йўли билан эришилади”. Бизнинг назаримизда, пайғамбаримизнинг ушбу башоратлари дунёвий илм олишга ҳам бевосита тааллуқлидир.

*Меҳнат тағидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса топмас эса ранж.*

Абдулқосим Фирдавсий

Қомусий билим соҳиби, машҳур файласуф, шоир ва адабиётшунос олим Абу Наср Форобийнинг таъбирларича, инсон юксақ камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаган сўнги даражадаги бахт-саодатга эриша олади.

Нақл қилишларича, Искандар Зулқарнайн кунлардан бир куни Арасту, Афлотун ва Букротга ҳикматли сўзларни ўз ичига олувчи бир “Панднома” ёзишни буюрди. “Мен уларни ўқиб,-деди Искандар,-саволимга жавоб топай, бошимга тушган мушкул ишларни ҳал қилай!”

Арасту пандномаси. Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни бе-худа ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни гина-қудуратдан холи тут, бировга нисбатан гина сақлама, ёмонлик қилишдан қоч, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказди, аммо зарари ҳалокатга олиб келади...

Ҳа, муборак “Ҳадис”да: “Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол саводидир”, дейилади.

Ушбу муқаддас университетимиз тарихида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратилганлиги таҳсинга сазовордир. Ижтимоий, табиий, педагогика-психология, физика-математика, гуманитар каби фанлар соҳалари бўйича арзигулик ютуқлар қўлга киритилган, киритилмоқда ҳам. Бу борада Абдуғани ака Алиев, Бойқўзи Турдалиев, Солижон Турғунов, Одилжон Носиров, Ҳабибулло Сулаймонов, Адҳамжон Абдуллаев, Маматхон Иброҳимов, Тўлқинжон Турдиев, Нуриддин Бобоҳўжаев каби марҳум олимларимизнинг фан соҳасига қўшган салмоқли ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Биз хотирлаётган олим ва олима, муаллим ва муаллималарнинг ибратли ҳаёт йўллари, боқий руҳлари, бебаҳо илмий ишлари барча касбдошлар, ҳамфикрлар ва ниҳоят талабалар учун ҳамиша мўътабар ҳам ардоқли бўлиб қолади. Тўғрироғи, улар Наманган илм-адаб аҳли орасида хийлагина обрў-эътибор топган устоз эдилар.

Қадимги манбалардан бири - “Фавоқиҳ ал-жуласо”да айтилади:

Бир куни Искандардан:

- Сен устозингни онангдан кўра яхшироқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? - деб сўрадилар.

- Ҳа, - деб жавоб берди Искандар, - онам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди.

Бузургмеҳрдан:

Нима учун устозингни отангдан афзалроқ хурмат қиласан? - деб сўрадилар.

- Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади, - деб жавоб берди.

(“Оталар сўзи” дан).

Мавлоно Кошифий айтадилар: “Устоз ва муаллимлар хурматини ўрнига қўйганлар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саодат топар”.

Ҳар бир ташкилотнинг ўз раҳбари бўлиши табиий бир ҳол бўлиб, унинг олдига асиллик, қўл остидаги ходимлар аҳволдан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; сабр-чидамлилик ва ниҳоят, тинчликсеварлик каби муҳим аҳамиятга молик бўлган масъулиятли вазифалар юкланади.

Бизнинг олий билим юртимиз тарихида ҳам кўп қиррали фазилатларга эга бўлган Ирисбой ака Назаров, Собиржон ака Қорабоев, Зокир ака Миртурсунов, Файзулла ака Ғайбуллаев каби бир неча директор-ректорлар ўтишганким, уларни Тангри таоло ўз раҳматига лойиқ қилган бўлсин.

Ушбу хотира рисоламизда зикр қилинган ҳар бир муаллим-мураббийнинг ибратли ҳаёт йўллари, илмий-педагогик фаолиятлари ҳақида бир неча мақолалар, китоблар ёзилиши мумкин. Бироқ, имконият даражасини инобатга олиб, улар ҳақида мўъжазгина, содда ва самимий дил сўзларини айтиш билан чегараландик.

Хуллас, улар менинг устозларим, ҳамкасбларим, юртдошларим, замондошларим эдилар. Ҳаммаларини Яратганнинг ўзи ўз марҳаматига олган бўлсин. Омин!... Барчамизга аждодлар руҳи мададкор бўлсин, азиизлар.

Ушбу хотира рисоласининг юзага келишида яқиндан ўз ёрдамларини дариг тутмаган университет маъмуриятига, шунингдек факультет деканлари, кафедра мудирлари ҳамда айрим жонкуяр ўқитувчиларга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

ФАТТОҲ АБДУЛЛАЕВ

(1914-1984)



Етук олим, филология фанлари доктори, профессор Фаттоҳ Абдуллаев 1914 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1930 йилда А. Икромов номидаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, уни 1933 йилда тамомлайди. 1934 йилда Ленинграддаги Герцен номи Давлат университетининг турк филологияси факультетига киради ва уни 1939 йилда имтиёзли диплом билан тугатади.

Фаттоҳ Абдуллаев 1939-1944 йиллар орасида Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1944-1947 йилларда эса Наманган ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасини бошқаради. 1944 йилда Мен (Нуъмонов Т.) филология факультетининг II-курс талабаси эдим. Домла “Ҳозирги ўзбек адабий тили” курсидан маърузалар ўқир эдилар. Биз эса мароқ билан тинглар эдик. Устоз турк, араб, форс ва рус тилларини яхши билардилар. Домланинг ғайрат, шижоат, талабчанлик, шогирдларга бўлган меҳрибонликлари ҳамон эсимда...

Фаттоҳ Абдуллаев 1946 йилда профессор А. К. Баровков раҳбарлигида “Ўзбек тилида арабизм” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1947 йилнинг сентябридан 1951 йилнинг сентябригача Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида катта илмий ходим, сектор мудири вазифаларида ишлаган.

Тилшунос олим 1951-1957 йилда Хоразм педагогика институтида ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб, ўзбек тилшунослиги фанига оид курслардан маърузалар ўқиган.

1957 йилнинг сентябридан яна Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий хо-

дим, 1965-70 йилларда ўзбек адабий тили секторининг бошлиғи лавозимларида ишлайди. 1970-80 йиллар орасида эса шу институтнинг тил тарихи секторининг мудирининг лавозимида фаолият кўрсатади.

Талантли олим кўп йиллик изланишларнинг якуни сифатида “Хоразм шевалари” номли катта ҳажмдаги монография яратди. 1961 йилда эса “Хоразм шевалари фонетикаси” темасида докторлик диссертациясини ҳам муваффақият билан химоя қилади.

Фаттоҳ Абдуллаевнинг “Об одном фонетическом соответствии в истории узбекского языка” (1958), “К вопросу об оконье в узбекском языке” (1957), “Киши номларини қисқартириш усуллари” (1960), “Ўзбек тилида қўш ундошлар” (1960), “Тил қандай ривожланади” (1972), “Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси” (1978), “Ҳамза ва ўзбек адабий тили” (1981), “Ўзбек тилида бошқарув” (1982) каби асарлари ўзбек тилшунослиғи фани ривожига қўшилган йирик тадқиқотлар ҳисобланади.

Талантли олим дурустгина адабиётшунос ва таржимон ҳам эди. Масалан, домла “Умар Ҳайём - улуғ шоир ва файласуф”, “Туркман шоири Камина”, “Адабиёт - санъат сифатида” каби илмий ишлар муаллифи эди. Шунингдек, Берди Кербобоевнинг “Дадил қадам” (1952), “Небит доғ” (1962), М. Казакевичнинг “Одерда баҳор” (1950) романларини, Жек Лондоннинг “Ҳикоялар”ини (1957) ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳурматли устоз ўз илмий-педагогик фаолияти давомида 100 босма табоқдан ортиқ асарлар ёзганлар. Домла республикамизда ёш тилшунос кадрлар етиштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўша олган. Биргина бизнинг ўзбек тилшунослиғи кафедрамиздан профессор Бойқўзи Турдалиев, доцентларимиз Дадахон Эшондадаев, Ҳошимжон Шариповларнинг номзодлик ишларига илмий раҳбарлик қилганлар.

Таниқли олим Ф. Абдуллаев 10 та докторлик ва 30 тадан ортиқ номзодлик ишларига расмий оппонент бўлган эди.

Забардаст ҳамда захматкаш олимнинг илмий-педагогик фаолиятлари ҳақида Ҳ. Узоқовнинг “Ўзбек тилшунослари”

(1965, 1972), Ш. Шукуров, Д. Абдурахмоновларнинг Фаттоҳ Абдуллаев («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1975, 2), Ш. Шукуров, Б. Бозоровларнинг “Ўзбекское советское языковедение” (1986) каби китоб ва мақолаларида илиқ ва самимий фикрлар баён этилган.

Ўз шогирдлари ўртасида катта обрў-этиборга эга бўлган устоз Фаттоҳ Абдуллаев 1984 йилда омонатни топшириб, абадиятга юз тутди. Домланинг порлоқ ва ёрқин хотиралари шогирдлари, дўстлари, фарзандлари хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

ТОЖИБОЙ ҒОЗИБОВ

(1924-1993)



Тожибой Ғозибоев 1924 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ туманида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган. Ота ва оналаридан эрта етим қолиб, Чортоқ мактаб-интернатида таълим-тарбия олади.

1941 йилда ўрта мактабни битириб, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. 1944 йилда институтни муваффақият билан битиради. Тожибой

ака шу йили йўланма билан Наманган ўқитувчилар институтига ишга келади.

1944-1947 йилларда Тожибой Ғозибоев халқ оғзаки ижоди, адабиётшуносликка кириш, мумтоз адабиёт тарихи ҳамда адабиёт ўқитиш методикаси фанларидан маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар олиб борди.

1947 йилда Тожибой Ғозибоев ўз билимини ошириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти аспирантурасига киради. Бу ерда йирик фольклоршунос олим Ҳоди

ака Зарипов раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғлининг “Алпомиш” достони устида илмий иш олиб боради.

1954 йил Тожибой Ғозибоев «Фозил Йўлдош ўғлининг Совет давридаги ижоди» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.


1955-1960 йилларда институтимизнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлайди.

1960 йил сентябридан бошлаб Ғозибоев домла кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаган. 1983 йилдан умрининг охиригача кафедра доценти сифатида ёшларга адабиётшуносликка оид фанлардан лекция ва амалий машғулотлар ўтказди. Ҳурмат ва эътиборга лойиқ домланинг маърузалари ва амалий машғулотлари ўзининг чуқур мазмунга эгаллиги, илмий жиҳатидан бақувватлиги, қизиқарлиги, фактларга, айниқса маҳаллий далилларга бойлиги билан ажралиб туради.

Домла Ғозибоев педагогик фаолият билан бир қаторда илмий ишлар билан ҳам жиддий шуғулланади. Унинг 1955 йилда «Фан» нашриёти орқали «Фозил Йўлдош ўғлининг Совет давридаги ижоди», 1969 йилда шу нашриётда «Фозил Йўлдош ўғли» монографиялари чоп этилади.

Тожибой ака вилоятимизда яшовчи эртақчи оталар, оналар оғзидан қўлаб халқ дурдоналари бўлган эртақ ва латифаларни ёзиб олиб, улардан 100 дан қўпроғини «Фан» нашриётида «Гулпар» номи билан (1969) нашр эттиради. Т.Ғозибоевнинг маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида адабиётшунослигимизнинг турли масалаларига бағишланган 30 дан ортиқ салмоқли илмий ва оммабоп мақолалари чоп этилган.

Тожибой аканинг эл — юрт олдидаги, педагогик кадрларни тайёрлашдаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1974 йилда домлага «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилади. 1981 йилда «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланади. Домла «Халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони, «Меҳнат фахрийси» медали, вазирликнинг бир неча фахрий ёрлиқлари билан ҳам тақдирланган.



1983 йил 8 январь куни бу ажойиб инсон ёруғ дунёдан кўз юмди.

Тожибой Ғозибоевнинг порлоқ хотиралари шогирдлари, оила аъзолари, касбдошлари, ёру дўстлари қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

ОЛИЯХОН ҒАФҒОРОВА

(1923-1978)

Олияхон Ғаффорова 1923 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1940 йилда Наманган педагогика билим юртини, 1944 йилда эса Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. 1944 йилнинг сентябридан умрининг охиригача Наманган ўқитувчилар, Наманган давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи ассистент, катта ўқитувчи,

доцент лавозимларида ишлаган. 1971 йилда Олияхон Ғаффорова «Бошланғич синф ўқувчилари оғзаки нутқида учрайдиган хатолар ва уларни тузатиш йўллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ҳурматли олиманинг она тили фанини ўқувчилар онгига осонлик билан сингдиришга оид 15 дан ортиқ илмий методик мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Олияхон Ғаффорова институт фаолиятида актив иштирок этган муаллимларимиздан бири эдилар. Ая ҳукуматимиз томонидан «Ҳурмат белгиси» ордени (1971 йилда) билан мукофотланган эдилар.

Олияхон аянинг илмий — педагогик фаолиятлари ҳақида 1971 йилнинг 17 январида «Наманганская правда» газетасида «Красота и обаяние слова» чунингдек 1971 йилнинг 17

17 Davlat
Universiteti
alim kutubxonasi

февралида «Ўқитувчилар газетаси»да «Фарзанд фахри», 1978 йил «Совет мактаби» журналининг 6 сониди эса «Маҳоратли ўқитувчи ва актив жамоатчи» номли мақолалар эълон қилинган.

Ҳа, О. Ғаффорова чинакамига жонкуяр маорифчи эди. У 1971 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан ҳам тақдирланган эди.

Олияхон ая талабаларнинг энг яқин муаллимаси, мураббийи сифатида ҳам, вилоят мактаб ўқитувчилари ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга эдилар. Олияхон ая мурувватли, саховатли аёл сифатида: «Яхшиликларни топмоқ едирмоқдир», - дер эдилар кўпроқ.

*Мурувват бирла жонни нисор эт,
Ҳамиша яхшиликни шиор эт*

Сайқалий.

Олияхон Ғаффорова ҳам она, ҳам олима, ҳам оиланинг ажойиб, камтарин соҳибаси эдилар.

Оқ кўнгил, ҳалол ва покиза инсон Олияхон ая Ғаффорова орамиздан жуда эрта кетдилар. Уларнинг порлоқ хотиралари биз шогирдлар, ҳамкасблар, дўсту биродарлар, оила аъзолари қалбида бир умрга сақланиб қолади.



МИРСАЛИМ ШАРИПОВ

(1922 - 1981)

Тилшунос олим Мирсалим Комилович Шарипов 1922 йилда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида хизматчи oilасида туғилган. 1938 йилда ўрта мактабни тугатиб, бир йил ўзи ўқиган мактабда она тилидан дарс беради. 1939 – 1942 йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олади.

1942 –1945 йилларида шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги сиртқи аспирантурада таҳсил олади.

Айни йилларда (1942-1947) Тошкентдаги 159-сонли мактабда, шунингдек, Тошкент Тўқимачилик институтининг тиллар кафедрасида ўқитувчилик қилди.

1947 йилдан то умрининг охиригача Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлайди. Мирсалим Шарипов узоқ йиллар давомида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудирини вазифасида ҳам фаолият кўрсатади.

М. Шарипов 1949 йилда Ленинградда СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти Илмий кенгашида профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида «деб» равишдошининг синтактик функциялари» мавзуида номзодлик диссертациясини химоя қилади. 1958 йилда доцентлик илмий унвонига эга бўлади.

Мирсалим Шарипов узоқ йиллар давомида «Ўзбек тилининг сўз бирикмалари синтаксиси» темаси устида докторлик иши олиб борган эди. 1955 йилда «Ўзбек тилида кўчирма ва ўзлаштирма гап» рисоласи, 1978 йилда «Ҳозирги ўзбек тилида

сўз бирикмалари синтаксиси масалалари» номли илмий монографияси «Фан» нашриётида чоп этилган. Шунингдек домланинг «Деган» сифатдошининг баъзи функциялари ҳақида», «Демак» феъли ҳақида» каби бир неча илмий мақолалари илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Мирсалим ака вилоят, шаҳар институт жамоат ишларида актив фаолият кўрсатган олимлардан бири эди. У Республика Ҳукуматининг «Фахрий ёрлиғи» ҳамда «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.

М. Шарипов вилоятимизда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор берган устозлардан биридир. Унинг табиатида ўзига ҳам, талабаларга ҳам талабчанлик мавжуд эди. Шу боисдан бўлса керак, унинг шогирдлари домлани доимо ҳурмат билан эсга оладилар.

Мирсалим Шариповнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси тараққиётида ижобий изи қолган. Тўғрироғи, унинг номи кафедра тарихи билан чамчас боғлиқдир.

Мирсалим ака оилали, уч фарзанднинг меҳрибон отаси ҳам эди. Ажойиб муаллим, ўз касбининг устаси Мирсалим ака 1981 йилнинг 10 апрелида омонатни топширди. Унинг ёрқин хотираси ҳамкасблари, шогирдлари қалбида кўп йиллар сақланиб қолади.



АБДУҒАНИ АЛИЕВ

(1922-1995)

Абдуғани Алиев 1922 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1944 йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатади. 1945-1948 йилларда Хоразм педагогика институтининг тил ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи ҳамда кафедра мудири лавозимида ишлайди.

Абдуғани Алиев 1948 йилдан

1970 йилгача Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифасида ишлаган.

1960 йилда академик К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Уйчи шеvasи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1962 йилдан 1968 йилгача тил ва адабиёт факультетининг декани вазифасида фаолият кўрсатади. 1968-1970 йилларда катта илмий ходим сифатида изланишлар олиб боради.

Тилшунос олим А. Алиев 1970 йилдан умрининг сўнги кунларигача Тошкент Давлат университетида доцент, профессор вазифасида ишлаган.

Заҳматқаш олим 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб «Наманган группа шевалари» мавзуида докторлик илмий иш олиб боради ва 1975 йилда ҳимоя қилади.

Тилшунос олимнинг 50 дан ортиқ илмий ва илмий-методик мақолалари эълон қилинган. Айниқса, «Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси», «Ҳамса»нинг айрим тил хусусиятлари», «Ҳамза — сўз санъаткори» каби илмий ишларида Алишер Навоий билан Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўзбек тили тараққиётидаги роли кўрсатилган бўлса; «Умлаутли шеваларнинг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида», «Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида», «Уйчи шевасидаги айрим фонетик ҳодисалар» каби илмий ишларида «уйгурлаш»ган шеваларнинг асосий тил хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Домланинг «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» (Тошкент, «Фан», 1974), «Ўзбек тили тарихи» (ТошДУ, 1975), «Ўзбек диалектологиясидан методик кўрсатмалар» (ТошДУ, 1979, 1980) каби асарлари ўзбек шевашунослик фани тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Устоз ҳалол меҳнатлари учун қатор, медал, нишон ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди.

Абдуғани ака бағри кенг, саҳоватли инсон эди. Унинг ёрқин хотираси фарзандлари, дўстлари, шогирдлари хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади.

АЗИМЖОН АСҚАРОВ

(1926-1989)



Асқаров Азимжон 1926 йилда вилоятимизнинг Уйчи туманида туғилди. У 1942 йилда Наманган педагогика билим юртини тугатган. 1946 йилда Наманган ўқитувчилар институтини, 1949 йилда эса Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли тамомлайди. 1949-1950 ўқув йилида Фарғона педагогика инсти-

тутининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1950 йилдан то умрининг сўнгги йилларигача Наманган педагогика институтининг педагогика ва психология кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Азимжон Асқаров 1962-1965 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи аспирантурасида таҳсил олади.

1968 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор П. И. Ивановнинг илмий раҳбарлигида «Ўзбек мактабларининг I-IV синфларида она тили имлосини ўзлаштиришнинг психологик асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Устоз педагог А. Асқаров узоқ йиллар давомида институтда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатади. У бир умр ўзининг «Эй инсон ўзлигингни унутма, бир сўз билан инсон умрини қуритма» деган ақидасига қатъий амал қилди. Жумладан, у 1957-1962 йилларда педагогика ва психология кафедраси мудири, 1962-1963 йилларда яна кафедра мудири, 1968-1971 йилларда Физика-математика факультетининг декани, 1971-1978 йилларда яна педагогика ва психология кафедраси мудири, институт касаба уюшмаси раиси (1973-1979) вазифаларида фаолият кўрсатади.

Заҳматкаш олим ўзининг илмий-педагогика фаолиятида 60 дан ортиқ илмий, илмий-методик, оммабоп мақолалар ёзди. Айниқса, унинг «Янги урф-одат ва маросимлар-тарбиянинг муҳим воситаси» (1971), «Оилада бола тарбияси» (1973), «Ўқувчиларни касб танлаш бўйича ўрта умумий таълим мактаблари ота-оналар комитетининг иш тажрибасидан» (1975), «Олий ўқув юртларида касб танлашга йўллаш» (1979), «Бошланғич синфларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш» (1989) каби бир қатор илмий, оммабоп рисоалари алоҳида диққатга сазовордир.

Азимжон Асқаров уруш йиллари медаллари соҳибидир. У Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1972) нишони ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1981) фахрий унвонига эга эди.

Оғир хасталик натижасида ўзининг тобора жисмонан заифлашиб бораётганлигини ҳис эта бошлаган Азимжон Асқаров мумкин қадар кўпроқ ижод қилиш, орзу-ниятларини қуйидаги ўзининг шеърий мисраларида ифодалагандай сезиларди кишига:

*Қисматда нима бор, билолса киши,
Кўнгилда не бор, қилолса киши,
Эзгу-ниятларни ўринлатиш-чун,
Дунёга яна бир бор келолса киши.*

Ҳа, Азимжон Асқаров ҳаётда ҳалол, қалби пок инсон эди. Истеъдодли олим бугунги кунда шогирдлари, касбдошлари, ёру дўстлари қалбида иккинчи умрини яшамоқда.

ФАЙЗУЛЛА ФАЙБУЛЛАЕВ

(1930-1999)



Файзулла Файбуллаев 1930 йилнинг 1 январида Наманган шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. У 1943 йилда 7-синфни тугатиб, Намангандаги педагогика билим юртига ўқишга киради. Уни 1946 йилда тамамлайди.

Ўша йили Наманган ўқитувчилар институтининг физика-математика факультетига ўқишга киради. 1951 йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг физика факультетини тугатади. Ўша йилдан бошлаб Наманган ўқитувчилар институтида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлай бошлайди. 1953 йилда Ленинград педагогика институтининг физика кафедраси қошидаги аспирантурага киради. 1958 йили эса давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор А. Р. Регель раҳбарлигида «Металл ва қотишмаларининг қаттиқ ва суюқ ҳолда электр ўтказувчанлигини ўлчаш» мавзусида номзодлик диссертацияни ҳимоя қилади.

1958 йилдан Наманган педагогика институтининг физика кафедрасининг мудири вазифасида ишлай бошлайди.

1961-1971 йиллар ўртасида эса ўзи улғайган институтда ректор вазифасида фаолият кўрсатади. Файзулла Файбуллаев ректорлик қилган йиллари институт янада раванқ топа бошлайди. Жумладан, 1961 йилда институтда 7 та фан номзоди ва доцент бўлган бўлса, 1970 йилга келиб уларнинг сони 50 тадан ортиб кетди. Учта факультет 5 тага кўнайди.

1971-1982 йилларда яна физика кафедрасига мудар ва тўрт йил физика ва техника факультетининг деканлиги вазифаларида ишлайди.

Файзулла аканинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Файзулла Файбуллаев ижтимоий соҳаларда ҳам актив иштирок этар эди. 1961-1972 йиллар давомида у шаҳар ва вилоят «Билим» жамияти бошқарувига раис, шаҳар партия қўмитасининг бюро аъзоси, шаҳар ва вилоят кенгашининг дeнyтaти сифатида жамоатчилик ишларини бажаради.

Ф. Файбуллаевнинг шогирдлари университетимизда, вилоятимиз мактабларида, шунингдек ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларда ҳам фаол меҳнат қилишмоқда.

Файзуллохон Файбуллаев хушфезъл инсон, ибратли оила бошлиғи эди. У 8 фарзанднинг отаси бўлиб, уларнинг барчаси олий маълумотли мутахассислардир.

Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, «Хурмат белгиси» ордени, медаллар ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан муносиб тақдирланган.

Ҳа, камтарин ва меҳри дарё устоз бугун иккинчи умрини яшамоқда. Унинг барҳаёт сиймоси вилоятимиз зиёлилари, шогирдлари, университет жамоаси қалбида абадий барҳаётдир.

ТУРСУНОЙ ХАМИДОВА (1925-2000)



Турсуной Хакимовна Хамидова родилась в 1925 году в селе Сарой Турсураганского района в семье служащего. Детство и отрочество ее прошли в Ташкенте. Уже тогда у нее проявился интерес к литературе, что и определило ее дальнейшую судьбу: она поступает на филологический факультет Ташкентского педагогического института имени Низами, который заканчивает в 1950 году.

Замужество. Муж – кадровый комсомольско-партийной работник. Куда направляют на работу его, туда и она. Так молодой филолог оказалась в Андижане, где работает в Андижанском госпединституте. В 1954-1960 год не смотря на свою молодость она руководила здесь кафедрой русской и зарубежной литературы. Наряду с преподавательско-педагогической деятельностью, в те же годы Т. Хамидова посвятила себя большой науке.

Кандидатская диссертация по творчеству В. Овечкина была первой ступенью не ее научном пути и в то же время очень серьезным испытанием, которая с честью выдержала в свое время молодая ученая в Москве, в институте мировой литературы.

Дальнейшая трудовая деятельность кандидата филологических наук Т. Хамидовой по сей день связана с Наманганом, ее крупнейшим вузом НамГУ.

В результате ее многолетнего труда в Наманганской земле появилась ее докторская диссертация – «Русско-узбекские литературные связи периода великой отечественной войны», которую Турсуной Хакимовна с успехом защитила в 1974 году. До этого она успела опубликовать по данной теме целый ряд статей и большую монографию. Кстати, Хамидова была первой из женщин Центральной Азии, кто защитил докторскую диссертацию по литературным взаимосвязям.

Плод многолетних изысканий объемистые монографии и многочисленные статьи: «А. Толстой и литература народов СССР», Ташкент «Фан» 1967 год; «Н. Погодин и жодида қардош миллатлар образи» Ташкент, Узбекистон 1974г; «К вопросу русско-узбекских литературных связей», Ташкент, изд. им. Г.Гуляма 1977; «Солнечные берега», Ташкент, изд. им Г.Гуляма 1984; «Пути сохранения национального своеобразия оригинала» в сборнике «Аспекты творческого содружества русских и узбекских писателей», Ташкент, 1982 и др.

Через все работы Т. Х. Хамидовой проходит мысль – литература не только беспристрастно отражает все происходящее

в жизни; прежде всего она является средством укреплению дружеских взаимоотношений между народами. Особенно ценна в этом отношении монография, которая профессор Хамидова создала за последние годы – «Братство, дружба». Данная работа убедительно показывает, что круг интересов ее автора не замыкается в рамках русско-узбекских литературных связях. В новой книге исследуются дружеские контакты между литераторами Центрально Азиатского региона.

Научная деятельность профессора Т. Хамидовой на протяжении последних двух десятилетий благотворно влияла как ближайшее окружение, учеников, так и, можно сказать, распространялась на всю республику. За годы многолетнего руководства ее кафедрой русской и зарубежной литературой сначала НГПИ, затем намГУ, а также и период, когда она около десяти лет являлась проректором института по научной работе, под ее руководством в буквальном смысле стал на ноги целый ряд молодых ученых.

Многолетний научный педагогический труд профессора Т. Х. Хамидовой отмечен высокими наградами: орденом Трудового Красного Знамени, медалями «За доблестный труд» и имени Кары-Ниязова, другими знаками отличия. В 1985 году за заслуги в области Т. Х. Хамидова была удостоена звания «Заслуженный деятель науки Узбекистана». В 1992 году ее наградили Почетной грамотой Республики Узбекистан.

ОДИЛЖОН НОСИРОВ

(1933-2002)



Одилжон Носиров 1933 йилнинг 22 апрелида Чортоқ туманидаги Бўланак қишлоғида таваллуд топган. 1950 йилда ўрта мактабни битирган Одилжон 1952 йилда Улугбек номидаги Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. 1956 йилда институтни тугатиб Чортоқга келади-да, ўзи

ўқиган мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлайди.

Одилжон Носиров 1958 йилдан умрининг охиригача Наманган Давлат педагогика институти (ҳозирги университет) нинг ўзбек адабиётшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ишлади.

Одилжон Носиров 1969 йилда «Ўзбек адабиётида ғазал жанри, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» темасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Адабиётшунос олим 15 тадан ортиқ илмий-методик асарлар муаллифи. Масалан, «Ўзбек адабиётида ғазал» (Тошкент, 1972), 1986 йилда Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Халқ ижоди хазинаси» китобини нашр этди. Китобнинг «Туташ наҳрлар» номи билан аталган қисми, «Ўзбек адабиётида тенденциялар кураши тарихидан» (Тошкент, 1987), «Ўзбек классик шеърининг жанрлари», ҳамкорликда (Тошкент, 1979), «Ўзбек адабиётининг муҳим саналари», ҳамкорликда (Тошкент, 1993) кабилар шулар жумласидандир.

Одилжон Носировнинг бир қатор асарларидан Ўзбекистон олий ва ўрта ўқув юрти талабалари ҳамда муаллимлари фойдаланмоқдалар. Шу боисдан ҳам унинг илмий фаолияти юксак баҳоланиб, 1989 йилда унга профессорлик унвони берилди. Одилжон Носиров моҳир таржимон, ёзувчи, шоир ҳам. У атоқли Литван ёзувчиси Йонас Авижюснинг «Потерянный кров» романини «Жудоликдаги йиллар» деб ўзбек тилига ўтир-

ди. Болтиқ бўйи халқ эртақларидан 17 таси Одилжон Носиров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган эди.

Одилжон Носиров драматургия соҳасига ҳам интилди. Унинг тарихий мавзуга оид 60-йилларда битилган «Ўлимни билмагай асло муҳаббат» шеърый драмаси Алишер Навоий номидаги Наманган музыкали драма театрида сахнага олиб чиқилди. Шунингдек, «Билса ҳазил, билмаса чин» номли комедияси кучли сатирик ва юмористик оҳанг билан суғорилган бўлиб, у олимлар ва талабалар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Кенг қамровли олим Одилжон Носиров сўнгги йилларда катта бир шарафли ишга — «Ўзбекча-арабча» луғат (ҳамкорликда) тузишга киришди. 2 жилддан иборат бу китоб чоп этилиши арафасида турибди.

Одилжон Носировнинг бевосита раҳбарлигида хўжалик ҳисобида ишловчи тиллар ва эски ўзбек ёзувини ўрганиш факультети бир неча йиллар фаолият кўрсатиб, ўз самарасини берди. Одилжон Носиров яхшигина жамоатчи муаллим сифатида адабиётшунослик кафедрасини бошқаради, факультет декани вазифасида ҳам ишлади.

Заҳматкаш олимнинг 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий, илмий-оммабоп мақолалари, шеърлари марказий ва маҳаллий журнал, илмий ишлар тўпламлари ҳамда вақтли матбуотларда чоп этилган.

Одилжон Носиров ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўзбек адабиётини ўқитиш илмий-методик Кенгашининг фаол аъзоси эди. У «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, қатор Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Президентининг 1992 йилнинг 14 декабридаги фармони билан Одилжон Носировга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Фахрий унвони берилган.

2002 йилнинг 7 феввалида келган шафқатсиз ўлим талабаларнинг севимли устози, ўзига ҳам, шогирдларига ҳам талабчан муаллим Одилжон Носировни фоний дунёдан боқийлик дунёсига олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси касбдошлари, дўст-биродарлари, шогирдлари, оила аъзолари, аҳли илмлар қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

БОЙҚЎЗИ ТУРДАЛИЕВ

(1936-1993)



Бойқўзи Турдалиев 1936 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида чорвадор оиласида таваллуд топган. 1953 йилда Наманган ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини, 1958 йилда эса Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатади.

1958-1963 йиллар орасида Янгиқўрғон туманидаги мактабларда

ўқитувчилик қилади.

Бойқўзи Турдалиев 1963 йилдан Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида ишлади.

Б. Турдалиев 1966-1969 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасида таҳсил олган йиллари «1905-1917 йиллар Туркистон вақтли матбуот тили» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади ва уни муваффақиятли ҳимоя қилди. 1989 йилда эса «Ҳамза ва XX аср бошларида ўзбек адабий тили» мавзусида докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилади.

Б. Турдалиев 1982 йилдан умрининг охиригача кафедра мудирининг лавозимида фаолият кўрсатган. У «Ҳамза ва ўзбек адабий тили», «XX аср бошларида ўзбек адабий тили» каби йирик монографиялар ҳамда 40 дан ортиқ илмий, илмий-педагогик мақолалар муаллифидир. Шунингдек, «Наманган вилояти топонимларидан материаллар» лугат-китобининг ҳаммуаллифи бўлган.

Бойқўзи Турдалиев Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Тил институти марказлаштирилган Кенгаши аъзоси эди.

Б. Турдалиев вилоят, шаҳар ва университет жамоат ишларида ҳам қизғин фаолият кўрсатган олимлардан бири сифатида танилган эди. У ўта камтар, очиқ кўнгил дўст, шогирдларига эса меҳрибон устоз муаллим эди.

Бойқўзи Турдалиев оиланинг жонқуяр соҳиби, илм аҳли орасида обрў-эътибор қозонганлардан биридир. У 1993 йилнинг апрелида бевақт абадиятга юз тутди. Унинг порлоқ хотираси эса касбдошлари, дўстлари, шогирдлари қалбида узоқ вақт сақланади.

НУРИДДИН БОБОХЎЖАЕВ (1929-1999)

Нуриддин Бобохўжаев 1929 йилда Наманган шаҳрида туғилган. У 1948 йили Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1953 йилда битади.

1954 йилдан Наманган шаҳар партия комитетининг пропаганда бўлимида лектор бўлиб ишлай бошлайди.

1958-1960 йилларда «Сталин ҳақиқати» газетасида маданият бўли-

ми мудири вазифасида фаолият кўрсатади.

1961-1962 йилида Фарғона олийгоҳида ўқитувчилик қилади. 1963 йилдан эса Наманган педагогика институтининг адабиёт кафедрасида ўқитувчи-ассистент, сўнг бошланғич таълим кафедрасида мудар, институт сиртқи бўлимида проректор вазифаларида ишлади.

Н. Бобохўжаев 1967-1969 йиллари Низомий номидаги Тошкент педагогика институти қошидаги 2 йиллик мақсадли



аспирантурада таҳсил олади. У профессор Озод Шарофиддинов раҳбарлигида «Зулфия ижодининг бадиий маҳорати» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1977 йили «Фан» нашриёти адабиётшунос олим Нуриддин Бобохўжаевнинг «Бадиий ният ва лирик ифода» номли йирик монографиясини чоп этади. Унда Ўзбекистон халқ шоираси, Зулфия лирикаси турли аспектларда ўрганилади.

Нуриддин Бобохўжаев адабиётшунос олимгина эмас, балки таниқли шоир ҳамдир. Унинг «Умид ниҳоли», «Соғинсам, отажоним», «Ҳамиша борим онажон», «Дорилфуним», «Дилимдаги чироқлар» каби шеърӣй ва насрий тўннамлари босилиб чиққан.

Н. Бобохўжаев вилоят, шаҳар, институт жамоат ишларида фаол иштирок этади. У бир неча медаллар, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони биланг мукофотланган.

Драматург Н. Бобохўжаевнинг «Ўзинг — кўзим нури», «Мадаминбек» каби драмалари сахна юзини кўрган.

1970-1973 йилларда вилоят ёзувчилар бўлимини ҳам бошқаради. Олим, шоир, драматург Нуриддин Бобохўжаевнинг ёшлар тарбиясига оид хизматлари инobatта олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1992 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Фахрий унвони берилади.

Олим Н. Бобохўжаев бир неча илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифидир. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, доцент, оиланинг жонкуяр соҳиби, талабаларнинг севимли муаллими камтарин инсон Нуриддин Бобохўжаев 1999 йилнинг декабрида ҳаёт билан видолашди. Унинг ёрқин хотираси оила аъзолари, касбдошлари, ёру дўстлари, шогирдлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

ЎҒИЛҲОН АЗИМОВА

(1927-2002)

Ўғилхон Азимова 1927 йилнинг

1 январида Наманган шаҳрида таваллуд топган. У 1940-1942 йилларда Намангандаги педагогика билим юртида, 1942-1944 йилларда эса Наманган ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида таҳсил олади. Ҳар иккала билим даргоҳини имтиёзли диплом билан тугатади.

Ў. Азимова ўқитувчилик иш фаолиятини шаҳардаги 2-етти йиллик мактабда бошлаган. У 1952 йилда Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини сиртдан тугатади.

Ўғилхон Азимова Наманган шаҳридаги 3-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, директор лавозимида ишлаган. У 1957-1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг аспирантурасида таҳсил олади. 1962 йилда, филология фанлари доктори, профессор И. Султонов раҳбарлигида, «Ўзбек драматургиясида революция ва гражданлар уруши мавзунинг ёритилиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ў. Азимова 1960 йилдан Наманган шаҳар партия қўмитасининг котибаси вазифасида фаолият кўрсатади. У 1970-1981 йиллари Наманган педагогика институтининг ўзбек адабиётшунослик кафедрасида мудирлик лавозимида ишлаган бўлса, 1999 йилгача кафедранинг доценти лавозимида меҳнат қилди.

Ўғилхон Азимованинг ўнлаб илмий мақолалари марказий журнал ва илмий ишлар тўпламларида босилган. Унинг «Фан» нашриётида «Комил Яшиннинг ижодий йўли» номли монографияси чоп этилган. У «Ўзбек драматургияси: кино ва теледраматургиясида қаҳрамон масаласи» деган мавзуда док-

торлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борганди.

У шаҳар вилоят ва собиқ Иттифоқ кенгашига депутат этиб сайланган ҳам эди.

Ўғилхон Азимова чинакамига маорифчи олимуаллима бўлиб, унинг илмий-педагогик фаолияти муносиб баҳосини олган. У бир неча медаллар, фахрий ёрлиқлар ҳамда «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган эди.

Камтарин ва самимий инсон, талабаларнинг суюкли муаллимаси, жонкуяр оила соҳибаси, захматкаш олима Ўғилхон Азимова 2002 йилнинг 29 март куни абадиятга юз тутди. Унинг ўчмас хотираси оила аъзолари, туғишганлари, ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари қалбида бир умрга сақланиб қолади.



СОЛИЖОН ТУРҒУНОВ

(1936-1984)

Солижон Турғунов 1936 йили Наманган шаҳрида таваллуд топади. У 1953 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, уни 1958 йили имтиёзли диплом билан битиради.

Солижон Турғунов 1958-1963 йиллари Наманган педагогика институтининг сиёсий-иқтисод кафедрасида ўқитувчилик қилади. 1963-1966 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мақсадли аспирантурасида таҳсил кўради.

С. Турғунов 1966 йилда «Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 1970-1973 йиллари иқтисод кафедрасининг мудири вазифасида ишлайди.

1973-1974 ўқув йилида С. Турғунов математика факультети декан ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади. 1982 йили «Республикамиз қишлоқ хўжалигида меҳнат унвдорлигини оширишни жадаллаштириш методлари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, 1980 йилдан умрининг охиригача иқтисод кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган эди.

Иқтидорли олим ўз соҳасига оид 50 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалар, 3 та ўқув-методик қўлланма, 1 та монография муаллифи бўлган.

С. Турғунов ўз касбининг моҳир билимдони, яхши фазилатларга эга бўлган олим-муаллим эди. У катта-кичикка бир хил дўстона мурувват кўрсатадиган кичик кўнгил, ўта камтарин инсон эди. Аммо бевақт келган ўлим 1984 йили уни орамиздан жуда эрта олиб кетди. Ажойиб инсон Солижон Турғуновнинг порлоқ ва ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида абадий яшайди.

АЛЕКСЕЙ КИМ (1920-1984)



Доктор педагогических наук профессор Алексей Максимович Ким является одним из педагогов, кто оставил яркий след в истории Наманганского государственного университета.

Он родился в 1920 году в селе Усурийск Корсаковского района Приморского края. В 1937 году окончил первый курс педагогического училища в г. Александровске на Сахалине. С этого года он начал свою педагогическую деятельность. Диплом об окончании училища он получил в г. Намангане в 1939 году. Затем поступил в Андижанский учительский институт. Окончил Ферганский педагогический институт, где после завершения учёбы был оставлен перподава-

телем кафедры русского языка. За годы работы в институте Алексей Максимович Ким защитил кандидатскую диссертацию в 1964 году, в 1976 году ему после защиты диссертации присуждена учёная степень доктора педагогических наук. В 1977 году А.М. Киму присвоено учёное звание профессора.

Уже будучи известным специалистом А.М. Ким получил приглашение в Наманганский педагогический институт. Здесь он возглавил кафедру методики преподавания русского языка и литературы.

Им написаны учебники по русскому языку для начальных классов узбекской школы, программы, лексический минимум и ряд учебных пособий для средней школы и вузов. Профессор А.М. Ким является организатором и вдохновителем научной школы, в которой подготовлены более десяти учёных. Кафедра, которой он руководил, успешно выполняла задачи подготовки педагогических кадров, занималась научными изысканиями, принимала участие в организации и проведении научных конференций и семинаров. А.М. Ким проводил семинары для учителей русского языка и литературы школ области, читал лекции на курсах повышения квалификации учителей, возглавлял жюри областной олимпиады по русскому языку и литературе. За добросовестный труд и вклад в развитие педагогической науки профессор А.М. Ким награждён медалью имени Кары Ниязова, отмечен почётными грамотами министерства народного образования.

В настоящее время научные изыскания, начатые А.М.Кимом продолжают его ученики, защитившие кандидатские диссертации под его руководством. Это доценты Ф.Габдулхаков, Р. Хасанов, Н. Улухужаев, Г. Абдурахманов, Н.Кузнецова, Б. Саттаров, Е. Чжен, О. Голубцов, С. Казакбаева. Научно-методическая школа, созданная им, продолжает разрабатывать наиболее актуальные проблемы современной методики и активно участвует в совершенствовании методической науки.

МУНИР ИБРАГИМОВ (1931-1998)



Мунир Хасановч Ибрагимов родился 22 апреля 1931 года в городе Намангане в семье учителя. Его трудовая деятельность началась в 1945 году в колхозе им.Тельмана Наманганского района, где он работал табельщиком и счетоводом до 1950 г. в 1951 году М.Х. Ибрагимов поступил на 1 курс исторического факультета Среднеазиатского госу-

дарственного университета, который окончил в 1956 году. После учебы один год работал учителем истории в средней школе №30 Наманганского района. С 1957 году по 1998 год жизнь М. Х. Ибрагимова была связана с Наманганским государственным педагогическим институтом. Он с 1962 по 1966 г. проходил аспирантуру при кафедре философии Московского государственного института международных отношений.

В 1967 году М. Х. Ибрагимов в Москве защитил диссертацию на соискание ученой степени кандидата философских наук.

Научные интересы молодого ученого главным образом сосредоточились на проблемах формирования нравственного облика современного человека. В этом направлении и по другим различным вопросам философии, этики и эстетики М. Ибрагимов опубликовал большое количество статей в центральной и местной печати. Плодом долгих его изысканий явилась монография «Соотношение национального и интернационального в народных обычаях и традициях и их использование в коммунистическом воспитании»

С первых же дней работы в институте М.Х. Ибрагимов зарекомендовал себя способным педагогом. Уже в 1958 году

был назначен деканом историко-филологического факультета. Затем занимал должности проректора по заочному обучению, 12 лет руководил кафедрой философии. В 1979-1988 годах работал руководителем Наманганского филиала Ташкентского государственного института культуры, где проявились его хорошие организаторские способности.

М. Х. Ибрагимов всегда с большой охотой выполнял любую общественную работу как в институте, так и за его пределами.

Четыре раза (1977-1985 гг) он избирался депутатом Наманганского городского Совета народных депутатов, а в 1985 году – депутатом областного Совета народных депутатов. Отмечен рядом правительственных наград.

М. Х. Ибрагимов был отличником народного просвещения Республики награжден медалью «Ветеран турда».

За время всей трудовой деятельности М. Х. Ибрагимов работал честно и добросовестно. Труд его достоин подражания, служит примером для молодежи.

М. Х. Ибрагимов Воспитал четверых детей, все они получили высшее образование.

ҲАМИДУЛЛА ҲУСАНОВ (1926-1992)



Ҳамидулла Ҳусанов 1926 йилнинг 5 декабрида Наманган туманига қарашли Ирвадон қишлоғида таваллуд тошган.

У 1946 йилда ўрта мактабни тугатиб, Наманган ўқитувчилар институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1948 йилда битади. 1952 йили Фарғона Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини тугатади.

Ҳамидулла Ҳусановнинг педагогик фаолияти 1943 йилдан бошланади. У 1949-1954 йиллар орасида Наманган туманидаги 10-ўрта мактабда ҳам ўқитувчи, ҳам директор бўлиб ишлайди. 1954 йилнинг сентябридан Наманган педагогика институтининг физика кафедрасида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлай бошлайди. 1957-1961 йилларда физика-математика факультетининг декани лавозимида ишлайди. 1961-1962 йили сиртқи бўлим бўйича ректор ўринбосари, 1962-1963 йили шаҳар маориф бўлими мудири, 1963-1964 йиллар физика-математика факультети декани ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатади.

Ҳ. Ҳусанов 1964-1969 йиллари Ленинград Давлат университетида ҳам стажёр, ҳам аспирант сифатида таҳсил олади. У 1969 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1972 йилда эса доцентлик илмий унвонига эга бўлади.

Жамоатчи олим Ҳ. Ҳусанов 1969-1976 йиллар орасида физика кафедрасида мудир ҳамда физика-математика факультети декани вазифаларида ишлаган.

Ҳамидулла Ҳусанов 1976 йилнинг декабр ойдан бошлаб, область партия қумитасининг тавсиясига кўра, Тошкент тўқимачилик институтининг Наманган филиалида деканлик

лавозимига ишга ўтади. У 1982 йилдан умрининг охиригача физика кафедрасини бошқаради. Олимнинг 7 та илмий, 3 та илмий-услубий мақоласи марказий ва маҳаллий илмий журнал, илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Ҳамидулла Ҳусановнинг хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган: 1954 йилда «За трудовых отличия», 1970 йилда «За трудовой доблестъ» медаллари; 1973 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», 1982 йилда «За активную работу всесоюзного общества знание» нишонлари шулар жумласидандир.

Ҳамидулла Ҳусанов жонкуяр оила соҳиби ҳам эди, у 1992 йилнинг декабрида фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, қариндош-уруғлари, касбдошлари, шогирдлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

МУНИРАХОН МУҲАММАДИЕВА (1939-2001)



Мунираҳон Муҳаммадиева 1939 йилнинг 5 майида Қўқон шаҳрида таваллуд топган. 1962 йилда Қўқон педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти, тарих мутахассислиги факультетини имтиёзли диплом билан битиради.

1963-1977 йиллар орасида Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида аввал катта лаборант, ўқитувчи-ассистент лавозимларида ишлади.

Мунираҳон Муҳаммадиева 1977 йилдан 1987 йилгача Наманган вилояти ижроия қўмитасида халқ маорифи бўйича

катта референт вазифасида фаолият кўрсатади. Мунираҳон 1985 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тилшунослик институтида филология фанлари доктори, профессор, ЎЗФА мухбир аъзоси Азим Ҳожиев раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек тилида трансформацион бўлақлар» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Мунираҳон Муҳаммадиева 1987 йилдан умрининг охиригача аввал ўзи ишлаган ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида меҳнат қилади.

Олиманинг 1994 йили «Ҳозирги ўзбек тилида трансформацион бўлақлар» номи монографияси чоп этилган. Унда трансформацион бўлақларнинг тузилиши, уларнинг семантик-синтактик ўзига хос-хусусиятлари ўзбек тилшунослигида биринчи марта кенг қўламда ёритиб берилган.

Зукко олиманинг 1996-1998 йиллар ўртасида «Лотинча ўзбек алифбосини ўрганамиз» ва «Ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик таҳлили» номида методик қўлланмалари нашр қилинган. Замон билан ҳамнафас олиманинг ушбу услубий рисолалари энг зарур пайтда мактаб ўқитувчилари ҳамда кенг қўламдаги талабалар қўлига етиб борди.

Унинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ҳамда оммабоп мақолалари марказий ва маҳаллий журнал, илмий ишлар тўпламларида босилиб чиққан. Масалан, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган «Ёпиқ аниқловчилар ҳақида» (1975, 4), «Ҳозирги ўзбек тилида кенгайтирилган ҳолнинг моделлари» (1984), «Кенгайтирилган бўлақнинг мураккаб сўз бирикмаси ва эргаш гапдан фарқи» (1985). «Эга ҳосил бўлишининг баъзи моделлари» (1991) каби мақолалари шулар жумласидандир.

М. Муҳаммадиева Тошкент(1997), Бухоро (1999), Фарғона (2001)да ўтказилган Республика аҳамиятига молик илмий анжуманларда фаол қатнашиб, Наманган вилояти олималари шарафини ҳимоя қилган билимдон олима эди.

Мунираҳон Муҳаммадиева «Мураккаблашган содда гаплар шакл ва мазмун диалектикаси» мавзуси устида илмий изланишлар олиб бораётган эди.

Истеъдодли олима ўзбек тилшунослиги кафедрасининг вилоят малака ошириш институтидаги кўп йиллик лектори эди. У вилоят, университет жамоат ишларида фаол иштирок этарди. Шу боисдан у вилоят, университет маъмуриятининг бир неча фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Мунираҳон Муҳаммадиева ҳам муаллима, ҳам олима, ҳам намунали оила соҳибаси эди.

Дилкаш ва содда, самимий, камтарин М. Муҳаммадиевани бевақт ўлим 2001 йилнинг 15 сентярида орамиздан юлиб кетди. Унинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, шогирдлари, дўсту биродарлари, оила аъзолари қалбларида абадий сақланиб қолади.

МАМАТХОН ИБРОҲИМОВ (1927-1997)



Маматхон Иброҳимов 1927 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд Давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Университетни 1953 йили тугатади. 1953-1956 йилларда Ленинград Давлат университети қошидаги аспирантурада илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Маматхон Иброҳимов 1959 йилда Давлат мукофоти лауреати, профессор Б. П. Токин раҳбарлигида «Ҳайвонларда учрайдиган паразит чувалчанглarning эмбрионал ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Олимнинг иш фаолияти Андижон ва Наманган педагогика институтлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, у 1956 йилдан 1977 йилгача Андижон, 1977 йилдан ҳаётининг сўнгги дамларигача Наманган педагогика институтида меҳнат қилади. Маматхон Иброҳимов 1961-1962 йилларда Топшкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтининг Андижон филиали раҳбари, 1962-1964 йилларда Андижон педагогика институти Зоология кафедраси мудири, 1964-1969 йилларда илмий ишлар бўйича проректор, 1969-1976 йилларда биология ва география факультети декани, 1977-1983 йилларда эса Наманган педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, география-биология факультети декани каби вазифаларда фаолият кўрсатади.

Олим 1965 йилда доцентлик илмий унвонига эга бўлади. Унинг биологияга доир ўнлаб илмий мақолалари, журнал ва илмий тўпламларда чоп этилган.

Маматхон Иброҳимов педагогика институти талабалари учун “Гистология ва эмбриология асослари” дарслигини ўзбек тилига таржима қилади. У 1970 йили “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилади.

Устознинг фан ва халқ маорифи соҳасидаги хизматлари медаллар, нишонлар билан муносиб тақдирланган эди.

Камтарин инсон, бахтиёр оила соҳиби Маматхон Иброҳимовнинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, қариндош-уруғлари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

СОҲИБЖОН ТўЛАКОВ

(1932-1989)



Соҳибжон Тўлаков 1932 йилда Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Хартум қишлоғида туғилади. 1950 йилда Андижон ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. 1955 йилда эса Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битиради. 1955-1958 йилларда аспирантурада таҳсил олади.

Соҳибжон Тўлаков 1958 йилнинг сентябридан Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент сифатида иш бошлайди.

1965 йилда филология фанлари доктори, профессор Айюб Фуломов раҳбарлигида “Ўзбек тили Наманган шаҳар шеvasининг морфологияси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Тилшунос олим 1979 йилгача ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида фаолият кўрсатди. У бу йилларда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади.

1979 йилдан умрининг охиригача Андижон тиллар институти ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири вазифасида ишлади.

Олимнинг 20 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган. Масалан, “Наманган шаҳар шеvasида эгалик ва келишик қўшимчалари” (1962), “Наманган шаҳар шеvasининг баъзи морфологик хусусиятлари” (1965), “Наманган шаҳар шеvasида феълларнинг тусланиши” (1965) кабилар шулар жумласидандир.

Соҳибжон Тўлаков 2 марта Ўзбекистон маориф министрлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Соҳибжон Тўлаков бир сўзли, табиатан талабчан муаллим, оиласининг жонкуяр соҳиби сифатида кишилар, кадрдонлар ёдида сақланиб қолажак.

ҲАБИБУЛЛО СУЛАЙМОНОВ

(1939-1998)



Ҳабибулло Сулаймонов 1939 йилнинг 1 январида Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1957 йилда Наманган педагогика билим юртини, 1962 йилда Наманган давлат институтининг ўзбек тили ва адабиёти ва тарих мутахассислиги факультетини имтиёзли тугатади. Сулаймонов Ҳабибулло 1962 йилдан 1966 йигача Наманган педагогика институтининг

тарих кафедрасида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлайди. У 1966-69 йилларда Ўзбекистон Фаилар Академияси тарих ва археология институтининг аспирантурасида таҳсил олади.

Ҳабибулла Сулаймонов 1970 йилда “Ўзбекистон колхозчи-деҳқонларининг моддий фаровонлигининг ўсиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ҳабибулло Сулаймонов 70 дан ортиқ илмий мақолалар, монография, қўлланма, рисоалар муаллифидир. Айниқса, унинг “Ўзбекистон колхозчи-деҳқонларининг моддий фаровонлиги” номли монографиясининг “Фан” нашриётида чоп этилини муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Заҳматқаш олимнинг “Сиёсатшунослик фанидан ўқув-услубий китоби” 372 саҳифадан иборат бўлиб, 1993 йили 2000 нусхада “Ибрат” bosмаҳонасида чоп этилди. Шунингдек, “Жамият социал-синфий структураси ва унинг ривожланиш йўллари” қўлланмаси, “Ишчилар синфи ва унинг миллий от-

рядларини шакллантириш муаммолари” рисоласи китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган эди.

Профессор Ҳ. Сулаймонов замона билан ҳамнафас яшади. Унинг 1995-1997 йилларда нашр қилинган “Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси”, “Истиқлол ва маънавият” каби рисоалари бунга мисол бўла олади.

Ҳабибулло Сулаймонов узоқ йиллар давомида институт касаба уюшмаси раиси, партия қўмитаси котиби, кафедра мудири лавозимларида ишлади. У 1991 йилдан политология кафедраси профессори эди.

Ҳ. Сулаймонов собиқ Иттифоқ ва “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишонлари билан тақдирланганди. У 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раёсатининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳабибулла Сулаймонов адолатпарвар, камтарин инсонга хос бўлган яхши фазилятлар эгаси эди. Бевақт ўлим эса 1998 йилнинг 22 июлида орамиздан олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, шогирдлари, ёр дўстлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.



АЛИЖОН МАҚСУДОВ (1940-1998)

Алижон Мақсудов 1940 йил 13 августда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таваллуд топган. Тумандаги ўрта мактабни тамомлагандан сўнг Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) нинг география-биология факультетини 1966 йилда тамомлаган.

1970 йилга қадар ФДПИ нинг география кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1970-1973 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги тупроқшунослик институтининг аспирантурасида таҳсил олди. Ўрта Осиёнинг машҳур ту-

проқшунос олимларидан бири, профессор Н. В. Кимберг раҳбарлигида “Марказий Фарғона тупроқлари ва уларнинг суғориш таъсирида ўзгариши” мавзусида номзодлик диссертациясини 1974 йилда ҳимоя қилади.

1974-1991 йилларда А. Мақсудов Наманган Давлат педагогика институтининг география кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатди. Бу давр ичида олим география фанининг ривожланишига ҳамда илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

А. Мақсудов ўзининг илмий фаолияти давомида сермаҳсул ижод қилди. 1979 йилда “Фан” нашриёти томонидан унинг “Почви центральной Ферганы и их изменение в связи с орошением”, 1990 йилда “Изменение посевенно-экологических условия Ферганской долины под антропогенным воздействием”, 1995 йилда “Ўзбекистон тупроқлари” (Самарқанд) монографияси чоп этилган бўлса, 1988 йилда олий ўқув юртлирининг талабалари учун М. Абдуллаев билан ҳамкорликда “Тупроқшунослик асослари ва тупроқлар географияси” (2001 йил) номли ўқув қўлланмаси “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган. Шунингдек, унинг география, тупроқшунослик, биология, экология соҳаларига оид ўнлаб ўқув қўлланма-услубий кўрсатмалари турли матбуотда эълон қилинган. Америка Қўшма Штатлари, Россия, Украина, Белорусия, Латвия, Эстония, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларининг йирик шаҳарларида ўтказилган нуфузли анжуманларда ўзининг маърузалари билан ишгирик этади.

А. Мақсудов рабарлигида 1990 йилда НамДУ (собиқ НДПИ)нинг география кафедрасида “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологиянинг долзарб масалалари” мавзусида йирик илмий-амалий анжуман ўтказилди. НамДУ география кафедрасининг мудири г.ф.н., доцент К.М.Боймирзаев 1995 йилда “Фарғона водийси ва воҳа ландшафтларининг агроирригацион ётқизиклари ва улардан оқилона фойдаланиш” мавзусида номзодлик диссертациясини А. Мақсудов илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган.

1991 йилдан бошлаб А. Мақсудов ўзининг илмий-педагогик фаолиятини Фарғона Давлат университетида давом

эттирди. У 1993 йилда “Фарғона водийси тупроқ-экологик шароитининг антропоген жараён таъсирида ўзгариши” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1995 йилда эса ФарДУ нинг табиий география кафедрасининг профессори илмий унвонини олди. Мақсудов А. 1998 йилгача, яъни умрининг охиригача ФарДУ табиий география кафедрасининг мудирини лавозимида ишлади.

Алижон Мақсудов серқиррали илмий-педагогик фаолият кўрсатиш билан бир қаторда намунали оила соҳиби ҳам эди. Айни навқирон даврида вафот этган Алижон Мақсудовнинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ёру дўстлари, ҳамкасблари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

АДҲАМЖОН АБДУЛЛАЕВ (1927-1995)

Адҳамжон Абдуллаев 1927 йилнинг 15 октябрида Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1943 йилда Наманган педагогика билим юртини тугатган. 1953 йилда Наманган ўқитувчилар институтини, 1957 йилда эса Тошкент Низомий номидаги педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. 1943-1963 йилларда Наманган областининг Тўрақўрғон, Косонсой

туманларида ўқитувчи, илмий мудир, директор лавозимларида фаолият кўрсатади.

Адҳамжон Абдуллаев 1970 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида экспрессивликнинг ифодаланиш усуллари” мавзусида номзодлик диссертациясини филология фанлари доктори, профессор Азимжон Ҳожиев раҳбарлигида ҳимоя қилади. 1976 йилдан 1981 йилгача ўзбек тилшунослиги кафедраси мудирини вазифасида ишлаган.

Адҳамжон Абдуллаев “Ўзбек тили грамматикаси ва стилистикаси масалалари” мавзусида докторлик изланишлари

олиб боради. Натижада унинг ушбу масалага бағишланган 2та монографияси "Фан" нашриётида чоп этилган. 1987 йилда босиб чиқарилган «Ўзбек тилидаги экспрессивлик ифодалан-нишнинг синтактик усули» монографияси шулар жумласидан-дир.

Тилшунос олим А. Абдуллаевнинг 25 тадан ортиқ ил-мий, илмий-методик мақолалари марказий ва маҳаллий жур-нал ҳамда илмий ишлар тўпламларида эълон қилинган эди.

Адҳамжон Абдуллаев жонкуяр маорифчи, талабалар-нинг энг яқин, сеvimли устозларидан биридир. Унинг педаго-гик фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишони, "Шавкатли меҳнати учун" (1954), "Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун" (1958) медаллари билан мукофотланди.

Адҳамжон Абдуллаев камтарин инсон бўлиб, кўп дўст-лар орттирган эди, шунингдек жонкуяр оила соҳиби эди. 1995 йилда эса оламдан кўз юмди.

Олижаноб муаллим, заҳматкаш инсон Адҳамжон Аб-дуллаевни хотираси дўстлари, ҳамкасблари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.



ТЎЛҚИНЖОН ТУРДИЕВ (1934-1976)

Тўлқинжон Турдиев 1934 йилнинг 18 мартида Наманган ви-лоятининг Тўрақўрғон туманида та-валлуд тошган. У 1951 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетининг тарих факультети-га ўқишга киради. Университетни 1956 йилда тугатади-да, аспиранту-рада таҳсил ола бошлайди.

Т. Турдиев "Колхозчиларнинг бўлинмас фондлари ва ундан фойда-

ланиш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1964 йилнинг сентябрида Наманган педагогика институтининг

сиёсий-иқтисод кафедрасига доцентлик лавозимига ишга келади. Тўлқинжон Турдиев “Пахтачилик колхозларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонуниятлари” мавзусида докторлик илмий иши юзасидан тадқиқот олиб боради. Унинг бу мавзуга оид “Тарихий бурилиш” (ҳамкорликда) номли китоби 1969 йилда чоп этилади. Олимнинг бир неча илмий, илмий-услубий мақолалари марказий журнал ва илмий ишлар тўпламларида эълон қилинган.

Доцент Т. Турдиев кўп қиррали олим сифатида 1964 йилдан 1974 йилгача сиёсий-иқтисод кафедрасининг мудури вазифасида фаолият кўрсатади. У кафедранинг малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Тўлқинжон Турдиев ўзига ҳам, шогирдларига ҳам ўта талабчан олим-муаллимлардан бири эди. У вилоят, институт жамоат ишларида фаол қатнашарди.

Тўлқинжон Турдиев медал ва бир неча фахрий ёрлиқлар соҳиби ҳам эди. У 1974 йилнинг сентябр ойидан институтнинг рус тили ва адабиёти факультетига деканлик вазифасига сайланади.

Тўлқинжон Турдиев жонкуяр оила соҳиби ҳам эди. У айна навқиронлик пайтида, 1976 йилнинг 20 август куни бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, дўсту биродарлари, шогирдлари қалбида кўп йиллар сақланиб қолади.



ЙЎЛЧИБОЙ ҚОСИМОВ (1938-1996)

Таниқли тарихчи олим Йўлчибой Қосимов 1938 йилда вилоятимизнинг Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида таваллуд топади. 1955 йилда ўрта мактабни тугатиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти, тарих факультетига ўқишга киради. 1960 йилда инсти-

тутни имтиёзли диплом билан битиради.

Йўлчибой Қосимов 1961 йилдан ўз қишлоғидаги ўрта мактабда тарих ўқитувчиси, директор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади. Ундаги танкилотчилик қирраси уни туман комсомол қўмитасининг котиби лавозимига кўтарилишига асос бўлади. Лекин Йўлчибой Қосимовни илм сирлари қизиқтирарди.

1968-1971 йилларда Йўлчибой Қосимов Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институтининг аспирантурасида таҳсил олади.

1971 йилда археолог олим, академик Яхё Фуломов раҳбарлигида “Ўзбекистон халқларининг иккинчи жаҳон уруши йилларида сув учун кураши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1971 йилнинг сентябрида Наманган Давлат педагогика институтига ишга юборилади. 1972 йилдан СССР тарихи кафедрасига мударликка тайинланади.

Йўлчибой Қосимов чин маънодаги изланувчан, тиним билмас олим, ҳам муаллим эди. Унинг илмий ва педагогик фаолияти кенг қамровли эканлиги сир эмас. Унинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Заҳматқаш Йўлчибой Қосимовнинг “Ўзбекистон тарихини ўқитишда маҳаллий материалардан фойдаланиш” (Тошкент, 1989), “Халқимиз мероси - бебаҳо хазина” (Наманган, 1992), “Ўзбекистонда миллий демократик ҳаракат ва жади-дизм” (Наманган, 1993), “Биз ўзбеклармиз” (Наманган, 1992), “Қора кўзойнак билан ёзилган тарих” (Наманган, 1993), “Қўқон хонлиги тарихи очерклари” (Наманган, 1994), “Қадимги Фарғона сирлари” (Наманган, 1992) каби рисола-лари фикримизнинг исботидир.

Йўлчибой Қосимов 80-йилларда институтнинг сиртки бўлимида проректор лавозимида ҳам ишлаган. У университет, вилоят, шаҳар жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этар эди. Маориф соҳасидаги хизматлари учун “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони билан тақдирланган эди. Й. Қосимов жонкуяр оила бошлиғи ҳам эди. Аммо бевақт ўлим уни ора-

миздан эрта олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, дўстлари қалбларида узоқ вақт сақланиб қолади.

МУҲАММАДЖОН ИМИНОВ (1930-1993)



Муҳаммаджон Иминов 1930 йилда Наманган вилоятининг Наманган туманида таваллуд топган. 1949 йилда Наманган ўқитувчилар институтини, 1959 йилда эса Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатади.

1949-1964 йилларда Тўрақўрғон районидаги мактабларда ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифаларида

фаолият кўрсатади.

1964-1971 йиллари Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлайди.

М. Иминов 1971-1979 йилларда Наманган маданий-оқартув техникумида ўқитувчилик қилади. 1979 йилдан яна Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлай бошлади.

Муҳаммаджон Иминов 1976 йили филология фанлари доктори, профессор Фаттоҳ ака Абдуллаевнинг илмий раҳбарлигида “Ўзбек адабий тилидаги келишикларнинг функционал вазифалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Унинг 15 тадан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида эълон қилинган.

Олимнинг дастлаб ҳамкорликда яратилган китоби Наманганда (1981), сўнг 1991 йилда “Иншо ўтказиш бўйича методик кўрсатмалар ва тавсиялар” қўлланмаси марказда чоп

этилган. Ушбу рисола ўқувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ёзма тарзда ифодалаш йўллариини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

М. Иминов 1955 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони билан тақдирланган эди. У оиланинг бахтиёр отаси ҳам эди.

Тилшунос олим Муҳаммаджон Иминов доимо ё тил назариясига, ё она тили ўқитиш масаласига доир янги-янги фикр-мулоҳазаларни ўртага ташларди. Бу билан ҳамкасбларини мунозарага тортарди худо раҳмати. Унинг порлоқ хотираси касбдошлари, дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида узоқ вақтлар сақланиб қолади.

МИРХОН ҲАЙДАРОВ (1938-2001)

Мирхон Ҳайдаров Наманган вилояти Наманган туманига қарашли Кичик Тошбулоқ қишлоғида колхозчи оиласида дунёга келади.

1956 йилда Тошкент Давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кириб, уни 1961 йилда битиради. Шу йилдан бошлаб меҳнат фаолиятини Наманган Давлат педагогика институтининг “Марксизм-ленинизм” кабинетига мудирликдан бошлаган.

Мирхон Ҳайдаров 1965-1968 йилларда Қозон Давлат университети аспирантурасида таҳсил кўради. 1968 йилнинг охирларида “Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида матбуотнинг роли” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Мирхон Ҳайдаровнинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари республика аҳамиятига молик журналлар ҳамда илмий ишлар тўшамларида эълон қилинган.



1970 йилда ёш мутахассисларни тайёрлашдаги хизматлари учун “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони билан тақдирланади.

1978-79 йилларда КПСС тарихи ва умумий тарих кафедрасида мудирлик вазифасида ишлайди. 1980 йилдан бошлаб кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатади.

Мирхон Ҳайдаровнинг вилоят, шаҳар, университет жамоат ишларида изчил фаолият кўрсатганлиги сир эмас. Шу сабабли у бир неча фахрий ёрликлар билан мукофотланган эди.

Мирхон Ҳайдаров талабаларга ҳам, ҳамкасбларига ҳам меҳрибон дўст эди. У ҳаётда ўта кичик кўнгил, дўстлар ҳолидан хабар оладиган, иложи бўлса, ҳаммага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзадиган фазилат эгаси эди.

Доимо изланишда бўлган Мирхон Ҳайдаровни шафқатсиз ўлим орамиздан эртарақ олиб кетди. У ажойиб оила соҳиб сифатида 3 фарзандни вояга етказди. Улар олий маълумот олишиб, турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

Мирхон Ҳайдаровнинг ўлмас хотираси унинг дўстлари, касбдошлари, оила аъзолари ёдида абадий муҳрланиб қолади.



ТОЖИДДИН АКРАМОВ (1937-1989)

Тождидин Акрамов 1937 йилда Тожикистон Республикасининг Колхозобод туманида деҳқон оиласида дуёнга келади. 1955 йилда Қўрғонте-падаги Лохутий номли педагогика билим юртини тамомлайди. 1960 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг тарих филология факультетини имтиёзли тугатади. 1960-1961 ўқув йилида ўзининг туғилган туманида мактаб

ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Тождидин Акрамов 1961 йилдан Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. У 1975-1979 йиллар орасида эса Тошкент маданият институти-нинг Наманган филиалида ўзбек тили кафедрасининг мудири вазифасида ҳам фаолият кўрсатади. 1979 йилдан яна Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлай бошлаган.

Тождидин Акрамов 1963-1966 йиллар орасида Ўзбекистон Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олади. 1967 йилда доцент Хусан Ғозиев раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида от кесимлар” темасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Тилшунос олим Тождидин Акрамовнинг 10 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари марказий журнал ҳамда маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган. У “Ўзбек тилида синтаксис ва стилистика масалалари” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда эди.

Т. Акрамов “Тилшуносликка кириш”, “Умумий тилшунослик”, “Ўзбек тилидан махсус семинар” каби курслардан юқори савияда маърузалар ўқир ҳамда қизиқарли амалий машғулотлар ўтказарди. Шу боисдан у ўзига ҳам, талабаларга ҳам талабчан муаллимлардан бири эди.

У жамоат ишларида актив ишгирок этар эди. Шу боисдан институт маъмуриятининг бир неча фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Тождидин Акрамов ўз оиласининг меҳрибон ҳам жонкуяр бошлиғи эди. Бевақт ўлим эса уни жуда эрта олиб кетди. Тангри таоло унинг руҳини ўз жаннатига лойиқ этган бўлсин. Ҳа, биз касбдошлари, шогирдлари, дўсту биродарлари қалбида унинг порлоқ хотираси узоқ вақтлар сақланиб қолади.

ТОЖИАҲМАД САМАТОВ (1932-1996)



Тожиаҳмад Саматов 1932 йили Наманган туманига қарашли Ровустон қишлоғида таваллуд топган. У 1952 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1954 йили битиради.

Т. Саматов 1954-1966 йилларда Наманган шаҳридаги 4-ўрта мактабда ўз мутахассислиги бўйича дарс беради.

1966 йили Наманган педагогика институтининг умумий математика кафедрасига ўқитувчиликка қабул қилинади.

Тожиаҳмад Саматов 1968-1971 йилларда В.Романовский номидаги математика институти аспирантурасида таҳсил олади. 1971 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1972-1976 йилларда математика факультети декани лавозимида ишлагани. 1977-1983 йиллари институт тайёрлов бўлимининг декани, 1984-1996 йилларда эса олий математика кафедраси мудир лавозимида фаолият кўрсатади.

Доцент Т. Саматов ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажарар эди. Шу билан у институт жамоатчилиги ўртасида обрў-эътибор қозонган эди.

Олимнинг 15дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари турли илмий ишлар тўпламларида чоп этилган. У “Дифференциал тенгламаларнинг турли йўналишлари” бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб борар эди. Устоз Т.Саматов ўз оиласининг жонкуяр соҳиби ҳам эди.

Узоқ касаллик домлани орамиздан 1996 йили олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, ёру дўстлари, шогирдлари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

НЕРИЯ ИСҲАҚОВ

(1914-1963)



Нерия Шоломович Исҳақов 1914 йилда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида таваллуд топган. 1932 йилда Ленинобод педагогика институтининг табиий фанлар факультетига ўқишга киради. Уни 1936 йилда имтиёзли диплом билан битиради.

Н.Ш. Исҳақов 1936-1938 йилларда Душанбе шаҳрида ўқитувчилик қилади. 1938-1941 йилларда Тошкент Давлат университети аспирантураси-

да таҳсил олади. У аспирантуранинг охириги йилидаёқ номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1942-1945 йиллари Термиз педагогика билим юрти директори вазифасида ишлайди. 1947 йилдан эса умрининг охиригача Наманган педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасида ҳам доцент, ҳам мудирлик лавозимларида фаолият кўрсатади.

Н.Ш. Исҳақов вилоятда педагогик кадрлар етиштиришга муносиб ҳисса қўша олган олимлардан биридир. Ташкилотчи Нерия Шоломович 8 йилдан ортиқ институт партия ташкилотининг секретари сифатида хизмат қилади. У шаҳар партия қўмитаси бюро аъзоси, шаҳар советига депутат бўлиб сайланган.

Олимнинг бир неча илмий, илмий-услубий мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Н.Ш. Исҳақов “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони, “Уруш йилларидаги ҳалол меҳнати” медали, шунингдек “Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи” каби мукофотлар билан тақдирланган эди.

Ҳалол меҳнат эгаси Н.Ш. Исҳақовнинг ёрқин хотираси ҳамкасблари, дўстлари, шоғирдлари ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

**АБДУЛҲАМИД
ҲОЖИМИРЗАЕВ
(1939-1996)**



Абдулҳамид Ҳоҷимирзаев 1962 йилда Уйчи туманига қарашли Машад қишлоғида таваллуд топади. 1962 йили Фарғона Давлат педагогика институтининг физика факультетини тугатиб, шу йили Наманган педагогика институтининг физика кафедрасига катта лаборант бўлиб ишга келади.

Кейинчалик Абдулҳамид Ҳоҷимирзаев физиканинг фалсафий масалалари юзасидан излашнишлар олиб боради. 1969 йилдан эса Москва Давлат университети аспирантурасида таҳсил ола бошлайди.

Абдулҳамид Ҳоҷимирзаев 1973 йилдан Наманган педагогика институтининг фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, сўнг умрининг охиригача доцент лавозимларида ишлаган.

А. Ҳоҷимирзаев 1973 йили Москва Давлат университетининг илмий Кенгашида “Ҳозирги замон физикасида боғлиқлик ва нобоғлиқлик категорияси” мазуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Абдулҳамид Ҳоҷимирзаев тиришқоқ олимларнинг бири сифатида педагогик фаолиятини илм билан боғлаб олиб боради. Унинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Домла Ҳоҷимирзаев университет, вилоят ва шаҳар жамоат ишларида ҳам актив фаолият кўрсатарди. У “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нипони ҳамда “Меҳнат ветерани” медаллари билан мукофотланган эди.

Шафқатсиз ўлим, 1996 йилда, етук олим, ажойиб муаллим, талабаларнинг севимли устози, меҳрибон оила бошлиғи Абдулҳамид Ҳоҷимирзаевни орамиздан олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси касбдошлари, дўстлари, оила аъзолари қалбида кўп йиллар сақланиб қолади.

ҲОШИМЖОН ШАРИПОВ

(1932-1980)



Ҳошимжон Шарипов 1932 йилнинг 1 октябрида Наманган шаҳрида туғилган. 1951 йилда Наманган ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини, 1954 йилда эса Бухоро Давлат педагогика институтининг сиртқи тарих-филология факультетини тугатади.

Ҳошимжон Шарипов 1951-1962 йилларда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманига қарашли 7-ўрта мактабда ўқитувчи, мактаб директори

(1954-1962) вазифасида ишлаган.

1962 йилдан 1974 йилгача Наманган педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. Шунингдек, маълум йилларда факультет декани вазифасида ҳам фаолият кўрсатади.

1974 йилдан умрининг охиригача Сирдарё педагогика институтининг Ўзбек тилшунослиги кафедрасида мудирлик вазифасини ўтайди.

Ҳ. Шарипов 1968 йилда профессор Ф. Абдуллаев раҳбарлигида “Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Тилшунос олим 20 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалар муаллифидир. У “Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари лексикаси” мавзуида докторлик илмий иши юзасидан қизғин изланишлар олиб бормоқда эди. Бевақт ўлим эса орамиздан уни эртароқ олиб кетди.

Жонкуяр оила соҳиби, заҳматкаш олим Ҳошимжон Шариповнинг порлоқ хотираси касбдошлари, дўстлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

САЛОҲИДДИН ХОЛМИРЗАЕВ

(1934-1977)



Салоҳиддин Холмирзаев 1934 йилнинг 1 мартида Наманган туманига қарашли Олаҳамак қишлоғида таваллуд топган. Аввал ўз қишлоғидаги 13-ўрта мактабда, 1950-1954 йилларида Наманган шаҳридаги педагогика билим юртида ўқиган.

С. Холмирзаев 1954 йили Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1960 йилда имтиёзли диплом билан битиради. 1961 йилдан 1964 йилгача Наманган шаҳар комсомол қўмитасида мактаблар бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатади.

Салоҳиддин Холмирзаев 1964 йилда Наманган педагогика институтининг фалсафа кафедрасида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлай бошлайди. 1969 йилдан Тошкент Давлат университетининг мақсадли аспирантурасида таҳсил олади.

1972 йилда С. Холмирзаев академик И. Мўминов раҳбарлигида “Қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини ташкил этиш омиллари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 1977 йилдан яна фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлай бошлайди. У ажойиб жамоатчи бўлиб, биология ва география факультети декани, институт партия қўмитасининг котиби вазифасини намунали адо этаётган эди. Минг афсуски, 1977 йилнинг 15 феввалида самолёт ҳалокати туфайли мангуликка йўл олди.

Келажакка ишонч билан интилувчи олимнинг ҳамкорликда “Биз хушчақчақ яшаймиз”, “Қишлоқ ёшлари ва маданият” номли рисоалари 1977 йилда Тошкентда чоп этилган эди. Шунингдек, унинг бир неча илмий, оммабоп мақолалари матбуотда эълон қилинган.

Бағри кенг, саховатли С. Холмирзаев оиланинг ҳам жонкуяр соҳиби бўлган. Унинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида абадий яшайди.

ЮСУФЖОН КАРИМОВ

(1943-2000)



Юсуфжон Каримов 1943 йилнинг 25 февралда Уйчи туманига қарашли Ўнҳаят қишлоғида туғилган. 1960 йили ўша қишлоқдаги ўрта мактабни тугатади. Шу йили Наманган давлат педагогика институтининг физика-умумтехника бўлимига ўқишга кириб, уни 1965 йили битиради.

1966 йилдан 1979 йилнинг сентябр ойигача Уйчи туманидаги 9 ва 21-ўрта мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1979 йилнинг 1 сентябри-

дан то умрининг охиригача физика-техника факультетининг «Умумий техника фанлар ўқитиш ва касб таълими» кафедрасида аввал ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. 1984-1988 йиллар оралиғида эса физика-техника факультетининг декан ўринбосари вазифасида ишлаган эди.

У институтда талабаларга сабоқ беришни илмий иш билан узвий қўшиб олиб борди ва ниҳоят, 1989 йили “Кечки (сменали) мактабда физика ўқитишда экология масалаларини ўрганиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Юсуфжон Каримов ўқув-тарбиявий ишни доимо илмий иш билан боғлаб олиб борди. Шу боисдан Халқаро ва Республика кўламидаги илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашган эди. Унинг 60 дан ортиқ ўқув-услубий ва илмий мақолалари маҳаллий, республика ҳамда чет эл матбуотларида чоп этилган.

Ю. Каримов 3 та монография, 4 та услубий қўлланмалар муаллифидир. Жумладан, “Олий ўқув юрти талабаларига эко-

логик тарбия беришнинг назарий асослари” номли монографияси 1995 йил “Фан” нашриётида чоп этилган.

Бевақт ўлим, 2000 йилнинг 20 октябрида Юсуфжон Каримовни докторлик илмий ишени якунлаш арафасида орамиздан олиб кетди.

Камтарин инсон, талабаларнинг сеvimли устози Ю. Каримовнинг порлоқ хотираси университет ўқитувчилари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

ФАЙБУЛЛА ҲУСАНОВ

(1930-1984)

Файбулла Ҳусанов 1930 йили Наманган туманига қарашли Ирвадон қишлоғида туғилади.

Ўрта мактабни битириб, 1954 йили Тошкент Давлат университети-нинг физика факультетига ўқишга киради. 1959 йилда университетни тугатиб, 1960 йилдан Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг физика кафедраси ўқитув-чиси сифатида иш бошлайди.

Файбулла Ҳусанов 1967 йилдан Ленинграддаги В. А. Восков номидаги Бош геофизика институтининг кундузги аспирантурасида таҳсил ола бошлайди.

Аспирантура муддати тугагандан сўнг, 1971 йилда Наманган педагогика институтига ишга келади.

1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олади.

1974 йилдан ишлаб чиқариш асослари кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. 1981 йилдан умрининг охиригача ишлаб чиқариш асослари кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатади. Файбулла Ҳусанов 30 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар



муаллифидир. У талабаларга назарий ва механика материаллар қаршилиги фанларидан сабоқ берган эди.

Ғайбулла Ҳусанов ўз шоғирдларига нисбатан талабчан, аммо меҳрибон, ҳақгўй зиёли эди.

Камтарин инсон Ғ. Ҳусанов 1984 йилда бевақт вафот этди. Унинг порлоқ хотираси университет жамоаси, ҳамкасблари, шоғирдлари хотирасида пок инсон сифатида абадий сақланиб қолади.

НУРИДДИН МАМАТХОНОВ (1934-1988)



Нуриддин Маматхонов 1934 йил-нинг 1 сентябрида Наманган шаҳрининг Дамбоғ маҳалласида таваллуд топган. Н. Маматхонов 1953 йили Наманган шаҳридаги педагогика билим юртини тугатади-да, шаҳардаги 25-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси вазифасида бир йил ишлайди.

У 1954 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, 1959 йилда уни имтиёзли диплом билан якунлайди.

Нуриддин Маматхонов 1959-1960 ўқув йилида Наманган шаҳридаги 39-ўрта мактабда ўқитувчи ҳам ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади.

Н. Маматхонов 1960 йилдан умрининг охиригача Наманган педагогика институтининг тарих кафедрасида ўқитувчи-ассистент, ката ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлайди. 1976 йилда тарих фанлари доктори, профессор Зухриддин Нуриддинов раҳбарлигида “СССРнинг халқаро ҳамкорлик, дўстлик ва тинчилик учун курашида Совет Ўзбекистони” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Олимнинг илмий изланишларга оид бир неча мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп

этилади. Шунингдек, унинг тарих фанини ўқитилишига доир битта методик рисоласи ҳам эълон қилинган.

Нуриддин Маматхонов жамоат ишларида ҳам актив иштирок этарди. У маъмуриятнинг фахрий ёрлиқлари, шунингдек “Меҳнат ветерани” медали билан мукофотланган.

Талабаларнинг эътиборидаги устоз-муаллим ўз ишига масъулиятли, оиласининг жонқуяр отахони Нуриддин Маматханов 1988 йилнинг 21 март куни ҳаёт билан видолашди. Унинг ёрқин хотираси касбдошлари, ёру дўстлари, оила аъзолари, шогирдлари қалбида узоқ вақтлар сақланиб қолади.

РАҲМАТУЛЛА ҒОЙИБОВ

(1958-2000)

Раҳматулла Ғойибов 1958 йилнинг 17 июлида Учқўрғон туманининг Қайқи қишлоғида таваллуд топади.

Раҳматулла 1975 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тамомлайди. 1975-1977 йилларда тумандаги “Учқўрғон” совхозида ишчи бўлиб ишлайди.

1977 йилда Тошкент Давлат политехника институтининг “Автомобил ва трактор” мутахассислиги бўлимига



ўқишга кириб, 1982 йилда тугатади.

Р. Ғойибов 1982 йилдан бошлаб Тошкент Давлат политехника институтининг Наманган филиали “Машинасозлик технологияси” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. 1988 йилда эса Тошкент техника университети аспирантурасига ўқишга киради. 1991 йилдан Наманган Саноат технология институтининг “Қурилиш ва мелиоратив машиналари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 1994 йилда Наманган саноат технология институти илмий Кенгаши уни доцентлик унвонига тавсия этади. Сўнгра у “Автомобил хўжалиги” кафедраси доценти бўлиб ишлай бошлайди.

Р. Ғойилов 1996-1997 йилларда Наманган вилоят Ҳокимлиги ҳузуридаги фан ва техника маркази директори вазифасида ишлади. 1997 йилдан Наманган Давлат университетининг иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор вазифасига ишга ўтади.

Раҳматулла Ғойиловнинг 50 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари чоп этилган. У 15 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномаси олади.

Ёш олим Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг икки марта (1978, 1982) фахрий ёрлиги билан, 1992 йилда “Улуғбек” жамғарма фонди совриндори, “ЎзДЭУ” автомобиллари учун ҳимоя прокладка яратгани учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат қўмитасининг фахрий ёрлиги билан мукофотланган.

Заҳматкаш олим сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ФТДКнинг “Наманган вилояти шароитида мойли ўсимликлар етиштириш технологиясини жорий этиш” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда эди.

Раҳматулла Ғойилов университетнинг ўқув базасини яратишга ҳам ўз ҳиссасини қўша олганлардан биридир. У ўз оиласининг жонқуяр соҳиби ҳам эди. Бироқ 2000 йилнинг 30 ноябр куни бевақт келган ўлим уни орамиздан жуда эрта олиб кетди. Ўзининг камтарлиги, самимийлиги билан жамоа ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган Р. Ғойиловнинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, дўстлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

ИСМОИЛЖОН УСМОНОВ

(1939-2001)



Исмоилжон Усмонов 1939 йилнинг 27 июлида Наманган шаҳрида туғилган. 1957 йилда Наманган тиббиёт билим юртини, 1963 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлайди.

Исмоилжон Усмонов шифокорлик фаолиятини вилоят юқумли касалликлар шифохонасида бошлайди. У Наманган тиббиёт билим юртида талабаларга шифокорлик сирларидан дарс бера бошлайди. У ўз шифокорлик ва педагогик маҳоратини ошириш мақсадида илмий изланишлар олиб боради. 1973 йилда “Болаларда кечадиган тиф-паратиф касалликларида фосфор бирикмалари алмашинувининг кўрсаткичлари ва унинг аҳамияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Шифокор олимнинг бир неча илмий, илмий-методик мақолалари илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Исмоилжон Усмонов 1975 йилдан Наманган педагогика институтининг тиббий бўлимлари кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлайди. 1978 йилдан бошлаб умрининг охиригача шу кафедранинг доценти ҳам мудири вазифасида фаолият кўрсатади.

И. Усмонов университет жамоат ишларида фаол иштирок этади. 1979 йили “Фуқаролар мудофааси аълочиси”, 1981 йилда эса “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишонлари билан мукофотланган.

Исмоилжон Усмонов нафақат олим, моҳир педагог, устоз бўлибгина қолмай, олижаноб, камтарин инсон ҳам эди. У ўз оиласининг жонкуяр соҳиби ҳам бўлган. Ажойиб муаллим ва шифокор Исмоилжон Усмонов 2001 йили фоний дунё билан видолашди. Унинг порлоқ хотираси шогирдлари, дўстлари, касбдошлари, оила аъзолари эсидан бир умр ўчмайди.

ФАЗЛИДДИН ҒАФФОРОВ

(1934-2001)



Фазлиддин Ғаффоров 1934 йилнинг 3 мартида Наманган шаҳрида таваллуд топган. У 1948 йили Наманган ўқитувчилар институтининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1954 йилда тугатади. 1950-1951 ўқув йилидан Наманган туманидаги 23-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлайди.

Ф. Ғаффоров 1954-1959 йилларда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига таҳсил олади. У 1960 йилнинг сентябр ойидан Наманган педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлай бошлайди.

Фазлиддин Ғаффоров 1970 йилда “XIX асрнинг 60-70-йилларида Россия билан Қўқон хонлиги ўртасида иқтисодий ва дипломатик алоқалар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1971-1974 йилларда СССР ва умумий тарих кафедрасида мудирлик вазифасида ишлайди. 1981 йилда доцентлик илмий унвонига эга бўлади.

Ф. Ғаффоров 1979 йилнинг сентябридан Тошкент политехника институтининг Наманган филиали тарих кафедраси мудирлиги вазифасида ишлай бошлайди. 1998 йилдан яна Наманган Давлат университетининг тарих кафедрасида ишлай бошлаган эди.

Тиришқоқ олим Ф. Ғаффорованинг 25 тадан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари марказий журнал, Ўзбекистон ССР энциклопедияси, илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Булардан ташқари, тарихчи олим Фазлиддин Ғаффоровнинг назарий ва амалиётга оид “Сиёсий тарихдан реферат докладлар тайёрлаш бўйича методик қўлланма” (Наманган, 1990 йил), “Социалистик, демократия ва миллий му-

носабатларнинг ривожланиши” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 1990), “Сиёсий тарих” фанидан амалий машғулотлар режаси бўйича методик қўлланма (Наманган, 1991), “Ўзбекистон халқлари тарихи”дан тажриба машғулотлар бўйича методик қўлланма (Наманган, 1992), «Ўзбекистон халқлари тарихидан амалий машғулотлар бўйича ҳамма мутахассисликдаги сиртқи бўлим талабалари учун методик қўлланма» (Наманган, 1992) каби рисоаларидан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Заҳматқаш олим Ф. Гаффоров меҳрибон оила соҳиби ҳам эди. У 2001 йилнинг 24 сентябрида ёруғ дунёдан кўз юмди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, дўсту биродарлари қалбидан узоқ вақт ўчмайди.

ЖЎРАХОН АЗИМОВ

(1939-1980)



Жўрахон Азимов 1939 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида туғилади. 1957 йили Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1962 йили имтиёзли диплом билан тугатади.

Жўрахон Азимов 1962 йили Наманган педагогика институтининг математика кафедрасига ўқитувчи бўлиб келади. У 1963-1966 йиллари мақсадли аспирантурада таҳсил олади. 1969 йили эса номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ж. Азимов 1971-1972 йилларда математик анализ кафедрасининг доценти ҳам мудури вазифасида ишлайди. Олим “Функционал анализ потология фанининг турли йўналишлари” соҳаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, 15 тадан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

Ж. Азимов 1977-1980 йиллари Андижон халқ хўжалиги институтида олий математика кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатади.

Жўрахон Азимов ўз касбининг устаси, талабаларнинг раҳматли устаси, кичикни иззат, катталарни ҳурмат қиладиган камтарин инсон, захматқаш математик олим эди. У Республика ҳамда вилоятимизда математика фанини ривожлантиришда ўз хиссасини қўшганлардир.

Ажойиб инсон Ж. Азимов 1980 йилда бевақт қазо этди. Унинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида абадий яшайди.

ҒАЙБУЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВ (1934-1989)



Ғайбулла Убайдуллаев 1934 йилнинг 16 апрелида Наманган вилояти Чортоқ туманида туғилди. У 1953 йилда Наманган педагогика билим юрти, 1958 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика ва психология факультетини битиради.

Ғ. Убайдуллаев 1961 йилдан 1968 йилгача Наманган Давлат педагогика институтининг педагогика ва психология кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

Ғ. Убайдуллаев 1984 йили Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги Махсус Кенгашда «Педагогика назарияси ва тарихи курсини ўқитишда ўзбек халқ педагогикаси материалларидан фойдаланиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У ўз фанини яхши биладиган, қизиқарли машғулотлар ўтказадиган муаллим эди, институт жамоатчилиги, талабалар ўртасида обрў-эътибор топганди.

Ғайбулла Убайдуллаев жонкуяр оила бошлиғи хам эди. Ұта камтар олим 1989 йилнинг 12 майида бевақт қазо этди. Унинг ўчмас хотираси касбдошлари, оила аъзолари, дўст-биродарлари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

МАҲМУДЖОН МАМАДАЛИЕВ (1937-1996)



Маҳмуджон Мамадалиев 1937 йил 29 октябрда Наманган шаҳрида туғилган. 1961 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини тамомлаган. Ұша йили шу институтнинг физика кафедрасида катта лаборант, сўнг ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

Кейинчалик факультет декани ўринбосари, декан, институт ўқув бўлими бошлиғи вазифаларида ҳам фаолият кўрсатган.

1980-1984 йиллар давомида Ленинград, Москва ва бошқа илмий марказлар билан ҳамкорликда хўжалик шартномалари ва илмий ишлар олиб борди. Ленинград физикатехника институтида аспирант, сўнг физика-математика фанлари номзоди бўлди. У 20 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномасига эга бўлган, унинг 30 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари chop этилган.

Маҳмуджон Мамадалиев илмий ишчи педагогик фаолият билан узвий боғлаб олиб борди. 1996 йил 6 апрелда шафқатсиз ўлим иқтидорли олим, ажойиб муаллим, меҳрибон оила бошлиғини орамиздан олиб кетди. Унинг абадий хотираси дўст ва ҳамкасблари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

ҲУСАНХОН МУРОДОВ

(1949-2002)



Ҳусанхон Муродов 1949 йилнинг 1 январида Поп туманининг Хўжаобод қишлоғида таваллуд топди. 1967 йил ЎЗМУ (собиқ ТошДУ)нинг география факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда тамомлади.

Ҳ. Муродов ўз меҳнат фаолиятини 1972 йилда Ўзбекистон сув ва мелиорация Вазирлигининг «Ўзгипроводхоз» институтида муҳандисликдан бошлади. 1977 йилдан бош-

лаб Наманган Давлат университетига география кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келди. 1982-1984 йилларда ЎзФА агрокимё ва ту-проқшунослик илмий-тадқиқот институти қошидаги аспирантурада таҳсил олади. Аспирантура муддати тугагач, Ҳ. Муродов яна ўз меҳнат фаолиятини география кафедрасида давом эттирди. 1991 йилда эса «Ўрта Осиё тоғ оралиғи ботиқлари тузроқ қатламларини аэро ва космик суратлар бўйича дешифрировка қилиш» (Фарғона водийси мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясини Россия (собиқ СССР) Ф. А. Докучаев номи тузроқшунослик илмий-тадқиқот институтининг ихтисослашган илмий Кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди.

Илмий-педагогик фаолияти давомида Ҳ. Муродовнинг қаламига мансуб 50 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар Москва, Санкт-Петербург, Иркутск, Таллин, Новосибирск, Абакан, Харьков, Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби ўнлаб нуфузли шаҳарлар илмий тўпламларида эълон қилинган. 1993 йили эса унинг «Картография ва топография асослари» фанидан тестлар тўплами чоп этилди.

Ҳ. Муродов ўзининг илмий-педагогик фаолияти даврида ўрта мактаблар учун малакали, етук географ мутахассис кадрларни етказиб беришда муҳим ҳиссасини қўшди. У умрининг

охиригача Фарғона водийсининг агроландшафтларидан самарали фойдаланиш ва водий табиатидаги экологик муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишлаган илмий-тадқиқот устида иш олиб борди.

Ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози, ҳалол инсон Ҳ. Муродов намунали оила соҳиби ҳам эди. У 2002 йилнинг 28 март куни, узоқ касалликдан сўнг, фонийликдан абадийатга юз тутди. Уни билган ва у билан бирга ишлаган ҳамкасблар, оила аъзолари ҳамда талабалар қалбида унинг порлоқ хотираси абадий сақаниб қолади.



ЛУТФУЛЛО ФАЙБУЛЛАЕВ (1933-2002)

Лутфулло Файбуллаев 1933 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1954 йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг физика-математика факультетини тамомлаган. 1954-1963 йилларда шаҳардаги 15-ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1963-1967 йилларда Тошкент политехника институтининг олий математика кафедраси қошидаги мақсадли аспирантурада таҳсил олади. У 1967 йилдан бошлаб Наманган педагогика институтининг математика кафедрасида ўқитувчи ассистент бўлиб ишлай бошлаган.

Лутфулло Файбуллаев 1970 йили профессор М. Я. Антоновский раҳбарлигида «Ярим майдон устида метрик фазоларда боғлиқлик» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. Унинг 20 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақола-лари марказий ҳамда маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган. 1975 йилда доцентлик унвонига эга бўлган.

Л. Файбуллаев 1976 йилдан 1981 йилгача умумий математика кафедрасини бошқаради. Бу йилларда кафедранинг илмий-методик салоҳиятининг юксалишига ўзининг муносиб

хиссасини қўшади. У ушбу олий даргоҳда қарийб 30 йилдан ортиқ ҳалол меҳнат қилиб вилоятимиздаги математика фани ўқитувчиларини тайёрлашда арзигулик хизмат қилди.

Лутфулло Ғайбуллаев «Ўзбекистон халқ маорифи аъло-чиси» нишони, шунингдек «Меҳнат ветерани» медали билан тақдирланган эди. Талабаларнинг меҳрибон устози, ҳамкасбларнинг камтарин дўсти Лутфулло Ғайбуллаев 2002 йилнинг 12 апрелида ёруғ дунёни тарк этиб, абадиятга юз тутди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, дўстлари ва шогирдлари қалбида мангу яшайди.

КИШВАРХОН ҚОСИМОВА (1934-1992)



Кишвархон Қосимова 1934 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. У ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга киради. Уни ҳам имтиёзли диплом билан тугатади.

Кишвархон Қосимова 1954-1957 йилларда Тошкент Давлат университети аспирантурасида таҳсил олади. Унинг илмий иши гидрометрологияга бағишланган бўлиб, шу соҳага оид 20 дан ортиқ илмий мақолалари Иттифоқ ва Республика журналларида, университетнинг илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

К. Қосимова 1957 йилдан педагогик фаолиятини Наманган Давлат педагогика институтининг физика кафедрасида ўқитувчиликдан бошлайди. У кафедранинг изланувчан, талабчан ходимаси бўлган. Кишвархон талабаларга умумий физика курсининг оптика, атом ва ядро физикаси курсларидан маърузалар ўқир эди. Аянинг ҳар бир ўтказган лекция ва амалий машғулотлари илмий методик жиҳатдан мароқли бўларди.

Кишвархон Қосимова университетимиз жамоаси ўрта-сида фаол меҳнати билан ҳурмат қозонган аёллардан бири эди. У кўп йиллар институт хотин-қизлар кенгашига раҳбарлик қилган.

Кўп йиллик халол меҳнати учун Кишвархон Қосимова «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлашни лозим топардики, Кишвархон Қосимова турмуш ўртоғи билан умр бўйи тўплаган 10 мингдан ортиқ китобларини университет илмий кутубхонасига ҳадя қилди.

Камтар ва меҳрибон, яхши фазилат эгаси, намунали оила соҳибаси Кишвархон Қосимованинг ёрқин хотираси уни таниган ва билган дўсту биродарлари, ҳамкасблари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

КОНСТАНТИН БЕГАЛОВ

(1916-1980)

Константин Николаевич Бегалов родился 14 ноября 1916 года в Андижанской области. В 1933 году закончил рабфак и среднюю школу. С 1933 года начал работать на железнодорожном транспорте.

С 1938 по 1941 годы учился на факультете русского языка и литературы Ташкентского госпединститута.

В 1941 году был призван в ряды Советской Армии. В 1942 году закончил курсы младших лейтенантов в г. Ташкенте. В 1944 году закончил курсы по подготовке работников местных органов военного управления САВО. С 1942 года после получения осколочного ранения и лечения работал в Военных комиссариатах г. Наманган и Учкурган. С 1946 года работал в Наманганском ОБЛОНО школьным инспектором и преподавателем педучилища. В 1948 году перешел на работу в Наманганский



пединститут. Являлся преподавателем, старшим преподавателем отделения русского языка и литературы.

В 1965-67 годах являлся заведующим кафедрой русского языка. В 1958-60 гг. был деканом отделения русского языка.

С 1967 по 1980 годы он работал старшим преподавателем кафедры русского языкознания НамГПИ.

Основное направление педагогической деятельности: старославянский язык, методика преподавания русского языка и новая для тех лет дисциплина «Технические средства обучения».

Много усилий приложил для внедрения в учебный процесс лингофонного кабинета.

К.Н. Бегалов был награждён правительственными наградами.

В 1977 году награждён знаком «Отличник народного просвещения Республики», а также Почётными грамотами Министерства Просвещения. Константин Николаевич был требовательным, прежде всего к себе, а затем и к студентам, коллегам. Он был твёрдо убеждён, что будущий педагог с институтских лет должен приучать себя к строгой, соответствующей педагогическому этикету и дисциплине.

На его занятиях всегда можно было научиться чему-то конкретному, практическому.

Константин Николаевич был опытным и отзывчивым методистом. Студенты попавшие к нему на практику, хоть и побаивались его по началу, роптали на его чрезмерную строгость, но зато впоследствии каждый из них мог рассказывать своим товарищам о том, как методист помог ему в какой-то конкретной ситуации.

Константин Николаевич всегда руководствовался соображениями общественной полезности, педагогической целесообразности.

До последнего дня своей жизни-1 сентября 1980 года Константин Николаевич работал старшим преподавателем кафедры русского языкознания НГПИ.



МАРИЯ ТЕРНОВСКАЯ

(1925-1997)

Родилась 10 февраля 1925 года в городе Петровка Абдулинской области.

После окончания учёбы в Бухарской ГПИ в 1951 году поступила на курсы по подготовки преподавателей языковедческих дисциплин при Московском ГПИ. В 1952 году была направлена на работу в Наманганский

учительский институт, который в 1955 году был преобразован в педагогический. Она избиралась депутатом трудящихся, неоднократно-делегатом горпартийных конференций, в течении нескольких лет была народным заседателем городского суда.

Мария Ивановна Терновская семь лет была заместителем декана факультета русского языка и литературы. Закончила работу в качестве старшего преподавателя кафедры русского языкознания в 1995 году. Её наградили правительственными наградами «1941-45 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги», «Ветеран труда», «Шуҳрат», Знаком «Отличник просвещения УзССР» и др. Ей было присвоено почетное звание «Заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан»(1992г.). Скончалась в 1997 году 13 июня.

Без преувеличения можно сказать, что Мария Ивановна была гордостью, символом русского языка и литературы. Это не смотря на то, что она не имела ни учёной степени, ни учёного звания. Зато она имела большое сердце, любовь к людям, к своей работе, к профессии. И благодаря этому снискала почёт и признание среди своих коллег, неизменно пользовалась уважением студентов.

Мария Ивановна, будучи строгой прежде всего к себе, предупредительно, отзывчивой и корректной по отношению к

другим, пользовалась не пререкаемым авторитетом среди коллег.



ФАЙБУЛЛА МУСАБОВЕВ (1911-1989)

Файбулла Мусабоев 1911 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1941 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Файбулла Мусабоев 1941 йилдан 1945 йилгача немис-фашизмга қарши олиб борилган жангда қатнашади. 1946 йилда Самарқанд халқ хўжалиги институтининг тарих кафедрасида ўқитувчи-ассистент

ассистент бўлиб ишлайди.

Файбулла Мусабоев 1947 йилнинг сентябридан Наманган педагогика институтининг тарих кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1952 йилда домла Ленинградда малакасини ошириб келади-да, яна ўз кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатади. 1975 йилдан кексалик пенсиясига чиқади.

Файбулла Мусабоев урушдаги хизматлари учун 1945 йилнинг апрелида «Қизил юлдуз» ордени, 1945 йил 9 майда «1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1945 йилнинг 9 июнида «Кенсбергни олиниши учун» медали, 1945 йилнинг 30 сентябрида «Япония устидан ғалаба учун» медали каби жанговар мукофотлар соҳибидир.

У «Ғалабанинг 20 йиллиги», «Ғалабанинг 25 йиллиги», «Ғалабанинг 30 йиллиги», «Ғалабанинг 40 йиллиги», «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медаллари билан тақдирланган. Шунингдек, 1985 йилда «1-даражали Ватан уруши» ордени билан ҳам мукофотланган эди.

Ғайбулла Мусабоев жонкуяр оила соҳиби ҳам эди. Дом-ла меҳнатсевар, меҳр-оқибатли, хушчақчақ, одамохун, ўта камтар, ширинсухан каби фазилатлар эгаси эдилар. 1989 йил-да абадиятга юз тутдилар. Ажойиб муаллим, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ғайбулла аканинг порлоқ хотираси оила аъзолари, касбдошлари, шогирдлари қалбида бир умр сақланиб қолади.



ЮНУСХОН ЗОКИРОВ

(1929-1972)

Юнусхон Зокиров 1929 йилда Наманган шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. Ўрта маълумотни Наманган шаҳридаги 1-ўрта мактаб-да олган. 1951 йилда Қозоғистон физкультура институтини тугатган. Ўз иш фаолиятини Наманган ўқитувчилар институтида бошлаган.

1955 йилдан Наманган Дав-лат педагогика институтининг жис-

моний тарбия кафедраси мудирлиги вазифасида ишлаган.

У ўз ҳаёти давомида кафедра мудир, факультет дека-ни, факультет партия ташкилоти секретари, институт партия ташкилоти бюро аъзоси сифатида фаолият кўрсатган.

Институт ҳамда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия соҳасининг ривожланишига қўшган ҳиссасини инобат-га олиб, унга ҳукуратимиз томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер» Фахрий унвони берилган.

Юнус Зокиров садоқатли, ҳалол, камтарин, муаллим сифатида ҳамкасблари, шогирдлари ўртасида обрў-эътибор қозонган эди.

Юнус Зокиров яхши ота, меҳрибон оила соҳиби бўлган. Аммо бевақт ўлим уни навқиронлик давридаёқ ўз бағрига олиб кетди. Унинг ёрқин хотираси касбдошлари, шогирдлари, ёру-дўстлари қалбида кўп йиллар яшайди.

МИРЗА МУҲАММЕДОВ

(1910-1976)



Мирза Муҳаммедов 1910 йилда Фарғона вилоятида туғилган. 1927 йили Фарғона педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1932 йилда тугаллаган.

У 1932-1941 йиллар орасида Фарғона вилоятидаги мактабларда физика ва математика фанларидан дарс беради. 1941-1945 йилларда немис-фашизмга қарши урушда қатнашади. У бир неча орден ва медаллар соҳиби бўлган.

Мирза Муҳаммедов урушдан кейин Наманган ва Чортоқ туманларидаги айрим ўрта мактабларда дарс беради. Уни Наманган ўқитувчилар институтининг физика-математика кафедрасига ўқитувчиликка таклиф қилинади. Домла 1962-1967 йилларда физика-математика факультетининг декани вазифасида ишлаган.

Катта ўқитувчи Мирза Муҳаммедов ўз касбининг устаси, фанининг билимдони бўлиб, у институт жамоаси ўртасида обрў-эътибор топган эди.

Мирза Муҳаммедов вилоятимизда физика, математика мутахассисларини тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган жонкуяр муаллимлардан ҳисобланади.

Меҳнатсевар Мирза Муҳаммедов 1976 йили ҳаётдан кўз юмди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, касбдошлари, дўстлари, шогирдлари қалбида бир умр сақланиб қолади.

ҚУРБОНЖОН ҒАФФОРОВ (1912-1996)



Қурбонжон Ғаффоров 1912 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилади. Аввал педагогика билим юртини, сўнг Фарғона Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини тугатди.

Уни Наманганга ўқитувчи этиб юборилади. Домла Наманган шаҳар мактабларида физика ва математика

фанларидан дарс беради.

Қ. Ғаффоров иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Армия сафида 7 йил хизмат қилган. Катта офицер Ғаффоров бир нечта орден ва медаллар соҳиби эди. У урушдан сўнг Марғилондаги ўқитувчилар институтида дарс беради.

Қ. Ғаффоров 1957 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг физика кафедрасига ўқитувчи бўлиб келади. У 1961-1970 йиллар ўртасида кафедранинг катта ўқитувчиси сифатида кафедрани бошқаради.

Домла узоқ йиллар физика фанини ўқитиш услуби юзасидан илмий изланишлар олиб борганди. Унинг бу борадаги 20 дан ортиқ илмий-методик мақолалари турли илмий ишлар тўпламларида чоп этилади. Қурбонжон ака талабаларга ҳам, ҳамкасбларига ҳам меҳрибон, ўта камтарин, комил инсон эди. Унинг порлоқ ва ўчмас хотираси жамоамиз аъзолари қалбида мангу яшайди.

АББОСХОН НОДИРОВ

(1938-1976)



Аббосхон Нодиров 1938 йилнинг 4 апрелида Тошкент вилоятининг Тўйтепа туманига қарашли Қорасув даҳасининг Хўжа қишлоғида таваллуд топган.

Аббосхон 1957 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг география ва биология факультетига ўқишга кириб, уни 1962 йилда битиради.

Йўлланмага кўра А. Нодиров Сурхондарё вилоятининг Узун туманига қарашли ўрта мактабларнинг бирида география-биология фани ўқитувчиси сифатида педагогик фаолиятини бошлайди. У 1963 йилда шаҳардаги 26-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради.

Аббосхон Нодиров 1964 йилнинг сентябрь ойидан Наманган Давлат педагогика институтининг география-биология кафедрасида ўқитувчи-ассистент сифатида иш бошлайди. Илмга интилувчи Аббосхон Нодиров «Фарғона водийсининг боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини ривожлантириш масалалари» мавзусида илмий-тадқиқот олиб боради.

А. Нодиров 1974 йилнинг октябридан Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги география-картография илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олади. Номзодлик диссертацияси ишига география фанлари доктори профессор Зиёвиддин Акрамов раҳбарлик қиларди. Аббосхон Нодировнинг илмий иши 1975 йилнинг охирларига бориб яқунланади, унинг биричи варианты устознинг қўлига топширилади. Бўлажак олимнинг бир неча илмий, илмий-услубий мақолалари марказий ва маҳаллий илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Ўз касбининг моҳир устаси, катта ўқитувчи Аббосхон Нодиров мутахассислик факультетида «Ўзбекистон табиий гео-

графияси» фанларидан талабаларга юқори савияда маърузалар ўқир эди.

Аббосхон Нодиров табиатан хушфеш, дилкаш инсон эди. У оиланинг жонкуяр, меҳрибон соҳиби ҳам бўлган. Аммо шафқатсиз ўлим талабаларнинг кўнгли ва дилига яқин бўлган устоз-муаллимни 1976 йилнинг 3 октябрида орамиздан жуда эрта олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, жамоа аъзолари, қариндош-уруғлари, дўсту биродарлари, шогирдлари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.



ЗАЙНОБИДДИН ШАМСИДДИНОВ (1927-1985)

Зайнобиддин Шамсиддинов 1927 йилда Наманган шаҳрида туғилди. 1946 йилда Наманган ўқитувчилар институтининг физика-математика, 1955 йилда эса Фарғона педагогика институтининг математика факультетини тугатади.

З.Шамсиддинов 1956-1970 йиллари шахримиздаги 40-ўрта мактабда математика ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, сўнгра мактаб директори лавозимида ишлаган.

1970 йилда Наманган педагогика институтининг умумий математика кафедрасида ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатади. 1975 -1985 йилларда институтнинг педагогик амалиёт бўлимига раҳбарлик қилиб, вилоятимизда педагогик кадрларни етиштириш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ажойиб муаллимлардан эди. 1985 йили бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди. Яхши фазилат эгаси, ўта камтар, ажойиб инсон З. Шамсиддинов хотираси касбдошлари, дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида кўп йиллар сақланиб қолади.

АБДУРАҲИМ МАҲКАМОВ (1930-1991)



Абдураҳим Маҳкамов 1930 йилнинг 29 мартда вилоятимизнинг Чуст туманидаги Олмос қишлоғида таваллуд топган. 1948 йилда ўрта мактабни тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга киради. Уни 1953 йилда тугатиб, Қарши шаҳридаги 7-ўрта мактабда тарих

фанидан дарс беради.

Абдураҳим Маҳкамов 1954 йилнинг сентябридан Олмосдаги 18-ўрта мактабда тарих фани ўқувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлайди, 1956 йилнинг февралидан эса шу мактабга директор этиб тайинланади, 1957-1958 ўқув йилида Олмосдаги 20-мактабда директор лавозимида ишлаган, 1958 йилнинг март ойидан 1959 йилнинг декабригача Чуст район партия қўмитасида лектор инструктор вазифаларида фаолият кўрсатади. 1959-1962 йилларда Чуст туманига қарашли хўжаликлардан бирида раис муовини лавозимида ишлайди.

Абдураҳим Маҳкамов 1962 йилнинг августидан Наманган педагогика институтининг марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчи-ассистент, 1968 йилнинг март ойидан 1975 йилнинг январигача фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди.

А. Маҳкамов 1975 йилнинг январидан Наманган вилоят партия қўмитаси қошидаги сиёсий ўқиш бўлимида консультант-методист вазифасида ишлай бошлади. 1979 йилнинг март ойидан 1989 йилнинг августигача Наманган вилоятининг диний ишлар бўйича масъул вакили сифатида Наманган вилоят ижроия қўмитасида ишлаган. 1989 йилнинг августидан умрининг охиригача яна философия кафедрасининг катта ўқитувчиси сифатида меҳнат қилди.

Заҳматқаш муаллим, фаол жамоатчи, меҳрибон оила соҳиби, камтарин инсон Абдураҳим Маҳкамов 1991 йилнинг 8 январида фоний дунё билан видолашди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, дўсту биродарлари, шогирдлари қалбида абадий яшайди.



МАМАТХОН ЙЎЛДОШЕВ

(1910-1970)

Маматхон Йўлдошев 1952 йилдан Наманган туманининг Хўжа қишлоғида туғилди. У 1927 йили Москва Давлат университетининг математика факультетига ўқишга кириб, уни 1932 йили тамомлайди. Ўқишдан сўнг Ўш педагогика институтида ўқитувчи лавозимида ишлайди.

Маматхон Йўлдошев 1952 йилдан 1970 йилгача Наманган педагогика институтининг физика-математика факультетида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. У ўзига ҳам, талабаларга ҳам талабчан муаллим эди.

Маматхон Йўлдошев ўз фанини чуқур билган моҳир педагог сифатида жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган. Домла вилоятимизда математика фани мутахассисларини тайёрлашда ўз улушини қўшганлардан биридир.

Маматхон Йўлдошев 1970 йилда иккинчи ҳаётга юз тутди. Унинг ўчмас сиймоси шогирдлари, дўстлари, ҳамкасблари оила аъзолари хотирасида узоқ вақтлар сақланиб қолади.



КЕЛСИНЖОН МЎМИНОВ

(1942-1999)

Келсинжон Мўминов 1942 йилнинг 8 январида Тўрақўрғон туманига қарашли Сайрам қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни битириб, 1963 йилда Тошкент чет тиллар педагогика институтига ўқишга киради. 1968 йилда институтни тамомлаб, ўрта мактабларда инглиз тилидан дарс бера бошлайди.

Келсинжон Мўминов 1971 йилнинг 25 августидан умрининг охиригача Наманган Давлат университетининг «Инглиз тили» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. У 1979 йилнинг май ойидан бошлаб бир қанча вақт кафедра мудури лавозимида ҳам ишлаган.

К. Мўминов Тошкент чет тиллар институтининг сиртқи бўлим аспирантурасида таҳсил олган.

Унинг «Инкор категориясининг айрим стилистик хусусиятлари тўғрисида», «Тайёрлов бўлимларида инглиз тили ўқитиш усуллари» каби 10 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари марказий журнал ва илмий ишлар тўпламларида чоп этилган.

Келсинжон Мўминов Германия фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан «Юбилей медали» билан мукофотланган. У билимдон, моҳир педагог сифатида лексикология, назарий грамматика, чет тили ўқитиш методикаси курсларидан қизиқарли маърузалар ўқиган ҳамда амалий иш олиб борган.

К. Мўминов ўз касбининг устаси бўлиб, талабалар ўртасида обрў-эътибор топган муаллим эди. У оилали, 2 фарзанднинг жонқуяр отаси ҳам эди. 1999 йилнинг 2 феврилида бевақт ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси касбдошлари, шогирдлари, ёру дўстлари орасида узоқ вақт сақланиб қолади.



РАШИДХОН АХМАДАЛИЕВ. (1954-2000)

Рашидхон Ахмадалиев 1954 йилда вилоятимизнинг Янгиқўргон туманида зиёли оилада таваллуд топди. 1971 йили ўрта мактабни битириб, Наманган педагогика институти физика-техника факультетининг физика бўлимига ўқишга киради. 1976 йилда институтни муваффақиятли тугатгандан сўнг уни физика кафедрасига катта

лаборантлик вазифасига қолдирилади.

1978 йилдан физика ўқитиш методикаси кафедрасига ўқитувчиликка ўтказилади. 1993 йил май ойида Олий аттестация комиссиясининг қарори билан унга кафедранинг доценти унвони берилади. 1997 йилдан умрининг охиригача физика-техника факултетининг декан ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатади.

Рашидхон Ахмадалиев ўқув ишлари билан бирга илмий ишни қўшиб олиб боради. Натижада унинг 20 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари турли илмий ишлар тўпламларида босилади.

Рашидхон Ахмадалиев талабаларга нисбатан ғамхўр муносиб устоз бўлиб етишган эди. Аммо бевақт ўлим уни орамиздан жуда эрта олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси жамоамиз аъзолари, шогирдлари, ёру дўстлари, оила аъзолари хотирасида кўп йиллар эсда сақланиб қолади.

ЭРКИНБЕК ЖУМАНАЗАРОВ (1969-2001)



Эркинбек Жуманазаров 1969 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманига қарашли Нов қишлоғида туғилган. 1986 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга киради. 1988-1989 йилларда ҳарбий хизматда бўлади. 1992 йили эса университетни тугатиб, ўз қишлоғидаги

48-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлайди.

1992 йилнинг декабридан Эркин Жуманазаров Наманган Давлат университети «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасига катта лаборант вазифасига олинади. 1994-1997 йилларда ушбу университет қошидаги аспирантурада таҳсил кўради.

Эркинбек Жуманазаров «XIX аср охири, XX аср бошларида Фарғона водийси қирғизларининг оилавий маросимлари» мавзусидаги номзодлик диссертация устида жадал суръатлар билан иш олиб бораётган эди. Минг афсуски номзодлик диссертацияси ҳимояси яқинлашган кунларда бевақт ўлим ёш олимни орамиздан олиб кетди.

Эркин Жуманазаровнинг ўз мавзусига оид «Шарқона тарбия: ютуқлар ва муаммолар», «Ўзбекча тарбия: ютуқлар ва муаммолар», «Қирғиз оилаларида мулкый муносабатлар», «Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиқлол ғояси» каби бир неча илмий мақолалари chop этилган эди.

Э. Жуманазаров университетимизнинг тарих факультетида декан ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. Айтишларича, унда қирғизларга хос тўғри сўзшилик, мардлик, шунингдек ўзбекларга хос камтарлик, ишчанлик хислатлари қоришиб кетган экан.

У оилали, икки фарзанднинг отаси эди. Унинг порлоқ хотираси, дўстлари, ҳамкасблари, оила аъзолари қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

ИРИСБОЙ НАЗАРОВ



Ирисбой Назаров 1906 йилда Чимкентнинг Эски Иқон қишлоғида туғилди. У Ўзбекистон Давлат университетининг тарих факультетини тугатган. 1935 йилдан Наманганда педбилим юрти раҳбари, шаҳар ва вилоят маорифлари мудир, 1943 йилдан Наманган ўқитувчилар институти директори вазифасида ишлаган. У партия тарихидан маърузалар ўқир эди.

1977 йилда вафот этган И. Назаров уни таниган, билган кишилар ёдида ўта камтар, покиза инсон сифатида ҳамisha барҳаётдир.

ЗОКИР МИРТУРСУНОВ



Педагогика фанлари номзоди, профессор Зокир Миртурсунов 1955-1960 йилларда Наманган педагогика институти ректори лавозимида ишлаган. 1960 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг педагогика кафедрасини бошқарди. Зокир Миртурсунов ўта маданиятли, хушфеъл, камтар инсон эди. Унинг ёрқин хоти-

раси наманганлик шогирдлари, касбдошлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

ЁҚУБ БЕКМАЕВ



Тарих фанлари номзоди, доцент Ёқуб Бекмаев узок йиллар Наманган педагогика институтининг КПСС кафедрасини бошқарди. У партия тарихи фанидан мароқли маърузалар ўқир эди. Домла Наманган шаҳар партия қўмитаси қошидаги кечки марксизм-ленинизм университетининг доимий ўқитувчиси ҳам эди. Ёқуб Бекмаев шаҳар ва вилоят билим жамиятининг фаол аъзоси сифатида

фаолият кўрсатган. Билимдон, камтар домланинг порлоқ хотираси шогирдлари, дўсту биродарлари қалбида кўп йиллар сақланиб қолади.

ТУРСУНБОЙ МИРЗАБОЕВ



Турсунбой Мирзабоев 1959 йилдан Наманган педагогика институтининг илмий-коммунизм кафедрасида ўқитувчи ассистент сифатида фаолият кўрсата бошлади. У узок йиллар илмий коммунизм фанидан маърузалар ўқийди. У ўзига ҳам, талабаларга ҳам талабчан муаллим эди.

Т. Мирзабоев институтга келгунга қадар мактаб директори, Наманган туман партия қўмитасида масъул ходим бўлиб ишлаган. Кафедранинг катта ўқитувчиси Турсунбой Мирзабоевнинг хотираси оила аъзолари, шогирдлари, ҳамкасблари, дўстлари қалбида бир умр сақланиб қолади.

МИРЗАБДУЛЛА ХЎЖАЕВ



Мирзабдулла Хўжаев Наманган туманида таваллуд топган. 1961 йилда Наманган педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти, тарих мутахассислиги факультетини битиради. У ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. Мирзабдулла Хўжаев 1960 йилларнинг ўрталаридан институтимизнинг адабиётшунослик, бошланғич таълим методикаси кафедраларида ўқитувчилик қила бошлайди. М.Хўжаев шоир Мақсуд Шайхзода драмаларининг айрим қирраларига оид илмий-тадқиқот ишига қўл урган эди. Аммо сурункали оғир касаллик уни орамиздан олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси оила аъзолари, касбдошлари, ёру дўстлари қалбида узоқ вақт сақланади.

КЛАРАХОН ЖУМАБОВЕВА



Кларaxon Жумабoева Наманган шаҳрида туғилади. У Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатади, узоқ йиллар ўзи тахсил олган билим даргоҳида ўқитувчилик қилади. У 1970 йилларнинг ўрталарида Наманган педагогика институтининг КПСС тарихи кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатади. Кларaxon маълум йилларда ўзбек тили ва адабиёти факультетида декан ўринбосари вазифасида ҳам ишлайди. Камтарин, хуштабиат

Кларахон Жумабоевнинг порлоқ хотираси узоқ йиллар университет жамоаси хотирасида сақланиб қолади.

НАЖИЯХОН ШОКИРОВА



Нажияхон Шокирова Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилади. 1953 йилда Тошкент Давлат университетининг математика факультетини тугатиб, Наманган шаҳридаги педагогика билим юртига ўқитувчи бўлиб келади. 1958 йилдан эса Наманган педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси кафедрасида ўқитувчи-ассистент бўлиб ишлай бошлайди.

У узоқ йиллар давомида бошланғич таълим факультети талабаларига математика фанидан дарс беради. Нажияхон Шокирова бевақт қазо қилади. Унинг ёрқин хотираси университет жамоаси, шогирдлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

* * *

БУЛАРДАН ташқари, тарих фанлари доктори Зокиржон Холмирзаев, филология фанлари номзоди, доцент Алимухамедов, тарих фанлари номзоди Муҳаммаджон Қўзибоев, Худоёрхонова, Мусалламов; собиқ директорлардан Бобожонов, Бурнашев, Собиржон Қорабоев, Маҳмуджон Эгамбердиев каби марҳумларни самимият ила тилга ва дилга оламыз. Уларнинг барчасини тангри таоло ўз раҳматига лойиқ этган бўлсин.

*Киши мангу бўлмас, бу мангу оти,
Қолар ёдгор ундан бу эзгу оти.
Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг қолар бўлса, мангулик шудир.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Хулоса қилиб айтганда, одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ билим сари, ўрганиш сари интилганлиги сир эмас.

Инсондаги энг яхши фазилатлардан бири заковат бўлиб, у кишидаги айб-нуқсонларни тозалайди. Билим эса инсоннинг инсонийлигини ҳам оширади, ҳам улуглайди. Борди-ю, одам дунё шодлигини тотимоқчи бўлса, у доимо эзгуликка интилиб яшамоғи даркор. Эзгулик кўрмоқчи бўлган инсон эса бошқаларга ҳам эзгулик улашмоғи лозимдир.

Хотима

Ўтди даврон,
Кетди карвон,
Энди карвонлар қайдадир.
(Кўшиқдан).

МАРҲУМЛАРНИ тез-тез ёдлаш, улар руҳини шод этиш Оллоҳ фарзини адо этмоқликдир. Бу эса азалий, қадимий урф-одатимиздир.

"...Кимки Оллоҳ таолонинг жамолини умид қилса, бас, солиҳ амал қилсин. Зероки, яхши амаллар эвазига мукофот олғусидир. Шундай кишиларки, иймон келтириб, солиҳ амалларни адо этур, ул зотларга Фирдавс жаннати мақом бўлғуси» дейилади Қуръони Каримда.

Биз қалбимиз амри билан дилимиз ва тилимизга олган, абадиятга юз тутган, илм аҳли орасида ҳурмат-эътибор қозонган устозларим, касбдошларим, ёру дўстларим оила аъзоларига икки дунё саодатини Тангридан сўрайман.

Агар шогирдлар ўз устозларини тез-тез эсга олиб турсалар, улар ҳақиқага дуолар бахшида этсалар; оила аъзолари эса доимо ўз ота ва она чирояини ёқиб ўтирсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Азиз ўқувчим! Университет жамоасининг саяъ-харакатлари туфайли марҳум касбдошларимиз ҳақида маълум

мотлар йиғиб, улар ҳақида баҳоли қудрат, қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

Лекин шунга қарамай, баъзи ўтганларимизнинг ижтимоий, илмий педагогик фаолиятлари тўғрисида далиллар тўплай олмадик. Шу сабабли уларнинг ҳар бирларини алоҳида-алоҳида қайд эта олмадик. Бунинг учун уларнинг оила аъзолари, дўсту биродарларидан узр сўраймиз.

Хотира китобимни яқунлар эканман, муқаддас университетимизда эзгу ниятлар ила саъй-ҳаракатдаги ҳамкасбларимнинг барчасига Шарқ ва Ғарб алломаси Шайх Саъдий ҳазратларининг боқий умрларини тилайман.

Мен ҳам қалбим амрига итоат этиб, ушбу кичик ишни битдим. Агар нуқсонлари бўлса, маъзур тутгайсизлар.

МУНДАРИЖА

Қимматли ёдном (М. Маъмуров).....	3
Ўлмас Сиймоларни қўмсаб.....	5
Фаттоҳ Абдуллаев	13
Тожибой Ғозибоев	15
Олияхон Ғаффорова	17
Мирсалим Шарипов.....	19
Абдуғани Алиев.....	20
Азимжон Асқаров.....	21
Файзулла Ғайбуллаев.....	24
Турсуной Хамидова	25
Одилжон Носиров	28
Бойқўзи Турдалиев	30
Нуриддин Бобоҳўжаев	31
Ўғилхон Азимова.....	33
Солижон Турғунов.....	34
Алексей Ким.....	35
Мунир Ибрагимов	37
Ҳамидулла Хусанов	39
Мунирахон Муҳаммадиева.....	40
Маматхон Иброҳимов	42
Соҳибжон Тўлаков	44
Ҳабибулло Сулаймонов	45
Алижон Мақсудов	46
Адҳамжон Абдуллаев	48
Тўлқинжон Турдиев.....	49
Йўлчибой Қосимов	50
Муҳаммаджон Иминов.....	52
Мирхон Ҳайдаров.....	53
Тождиддин Акрамов.....	54
Тожиаҳмад Саматов	56
Нерия Исҳоқов	57
Абдулҳамид Ҳожимирзаев	58
Ҳошимжон Шарипов	59
Салоҳиддин Холмирзаев	60
Юсуфжон Каримов	61

Ғайбулла Ҳусанов.....	62
Нуриддин Маматхонов.....	63
Раҳматулла Ғойибов.....	64
Исмоилжон Усмонов.....	66
Ғазлиддин Ғаффоров.....	67
Жўрахон Азимов.....	68
Ғайбулла Убайдуллаев.....	69
Маҳмуджон Мамадалиев.....	70
Ҳусанхон Муродов.....	71
Лутфулло Ғайбуллаев.....	72
Кишвархон Қосимова.....	73
Ғайбулла Мусабоев.....	76
Юнусхон Зокиров.....	77
Мирза Муҳаммедов.....	79
Қурбонжон Ғаффоров.....	80
Аббосхон Нодиров.....	81
Зайнобиддин Шамсиддинов.....	82
Абдурахим Маҳкамов.....	83
Маматхон Йўлдошев.....	84
Келсинжон Мўминов.....	85
Рашидхон Аҳмадалиев.....	86
Эркинбек Ҳуманазаров.....	87
Ирисбой Назаров.....	88
Зокир Миртурсунов.....	88
Ёқуб Бекмаев.....	89
Турсунбой Мирзабоев.....	89
Мирзабдулла Ҳўжаев.....	90
Кларахон Ҳумабоева.....	90
Нажияхон Шокирова.....	91
Хотима.....	92

Турсунбой Нуъмонбой ўғли
(Турсунбой Нуъмонов)

Барҳаёт устозлар (Хотиралар)

Муҳаррир:	А. Жаббор
Мусаввир:	А. Дадабоев
Тех. муҳаррир:	И. Жумабоев
Мусахҳиҳ:	Д. Эргашева

2002 йил 25.04 да теринга берилди. 2002 йил 28.05да босишга руҳсат
этилди. Бичими 60x84 1/16. Оқ қоғоз.
Нусха кўчирини усули. Ҳажми 6 б.т. Адади 300 нусха.
44– буюртма. Баҳоси келтирилган ҳолда.

«Наманган» нашриёти.

Наманган ш., Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават.

«Фахризода» кичик корхонасида терилди ва босилди.

Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси. 2-а уй.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Наманган Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти Турсунбой Нуъмонов (Турсунбой Нуъмонбой ўғли) 1927 йилда Наманган туманидаги Фирвон қишлоғида таваллуд топган. Унинг 60 дан ортиқ илмий, илмий-услубий, тақриз ҳамда илмий-оммабон мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, «Полизчилик терминларининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари», «Полизчилик атамаларининг изоҳли луғати», «Наманган вилояти топонимларидан материаллар» (ҳамкорликда), «Таҷриба ва маҳорат-эгизак», «Она тили дарсларида таълим-тарбия бирлиги», «Ўтганларим ва барҳаётларим» каби монография, қўлланма, рисола, мемуар китоблар муаллифнинг қаламига мансубдир.

